Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 115 (6227).

15 ИЮНЬ ПАЙШАНБА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ИЛҒОР СУВЧИЛАР

Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида ғўзани суғориш кучайтириб юборилди. Сувчиларнинг иши икки сменада ташкил этилган. Ҳар беш кунликда мусобақага якун чиқарилиб, илғор сувчилар тақдирланаяпти. Айниқса, Р. Мамажонов, З. Обидов, А. Исмоилов сингари сувчилар ғўзани қондириб суғоришда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Охунбобоев номли, «Москва», «Қизил Октябрь» колхозларида ҳам суғориш намунали ташкил этилган.

Т. ЭРХЎЖАЕВ.

ЯНГИ КОМПЛЕКС

АНГРЕНДАГИ уй-жой микрорайонларидан бирида жамоат бинолари комплекси қурилди. Икки қаватли бинода озиқ-овқат маҳсулотлари ва хўжалик моллари сотиш бўлимлари бўлган магазин жойлашди. Ёнма-ён сартарошхона, кафе, маиший хизмат кўрсатиш ателеси, буюмларни ижарага бериш пункти бор. Лойиҳачилар кутубхона учун махсус хонани ҳам кўзда тутишган. Шаҳардаги бошқа уй-жой массивларида ҳам ана шундай комплекслар барпо этилмоқда.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯВИЙ ТАШКИЛОТЧИЛИК, РАҲБАРЛИК САНЪАТИ

— Партиянинг раҳбарлик, сафарбар этувчилик роли мавҳумий бир нарса эмас,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида қилган докладида,— бу — ҳаётнинг ўзи, бутун кундалик практикамизнинг ўзидир.

Партиянинг омманинг ташкилотчиси, илҳомчиси сифатидаги роли ҳар доим, ҳар бир соҳада яққол намоён бўлмоқда. Йил мураккаб келган шароитда, олдимизда улкан вазифалар турган вақтларда партиямиз Марказий Комитети, унинг маҳаллий ташкилотлари кишиларни қийинчиликларни енгишга, янги марраларни эгаллашга отлантирдилар, ижодий ва бунёдкорлик ишларига илҳомлантирдилар. Бу эса мамлакатга, оммага партиявий раҳбарликнинг муваффақият қозонишн учун муҳим шартдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область партия комитети партия ташкилотларининг раҳбарлик, ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятларини янада такомиллаштириш, партиявий ишнинг юксак савияда бўлишини, раҳбарлик санъатининг кучайишини таъминлаш борасида кўпгина амалий тадбирлар белгиламоқдалар. Саноат ва қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги илғор усуллар, омма ўртасидаги сиёсий тарбиявий ишларнинг янги методлари ҳар тарафлама ўрганилмоқда ва кенг пропаганда қилинмоқда. Коммунистларнинг активлиги ва авангардлигини ошириш, топширилган иш учун масъулиятини кучайтириш, ленинча иш услубларини кенг жорий этиш — район, шаҳар партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг диққат эътиборида бўлмоғи керак.

Область партия комитети Тошкент ва Чирчиқ шаҳарлари, Коммунистик, Ғалаба ва Янгийўл районлари партия комитетларининг сиёсий, хўжалик ишларига раҳбарлик қилишдаги иш методларини ўрганиб чиқди. Бу шаҳарлар ва районларда план ва топшириқлар ҳамда социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилаётганлиги партия ташкилотлари олиб бораётган самарали ишлар, ташкилотчилик ва раҳберлик услубларида янгиликларнинг кенг жорий қилинаётганлиги натижасидир. Бюро йиғилишлари, бошланғич ташкилотларнинг мажлисларида хўжаликларнинг ойлик ва кварталь фаолиятлари атрофлича муҳокама қилинади. Эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда ишда йўл қўйилган камчиликлар қаттиқ танқид қилиниб, уларни туғатиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланади. Партия ва давлат топшириқларига, олдинда турган улкан вазифаларга юксак талабчанлик билан муносабатда бўлиш, ҳар бир соҳани партия назоратида тутиш, ишга ижобий муносабатда бўлиш, омманинг куч ва ғайратини юксалтира бориб, илғор тажрибалар ва ташкилотчилик пропагандa қилишни Тошкент, Ўрта Чирчиқ районлари, Ангрен ва Янгийўл шаҳарлари партия комитетлари фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Бу йилги шароитда қишлоқ хўжалигида обн ҳаво туфайли юз берган қийинчиликлар партия ва хўжалик ташкилотларини янги тадбирлар кўриш ва уларни тезлик билан амалга оширишга, қийинчиликларни енгиб, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳосил тақдири учун муваффақиятли кураш олиб боришга мажбур этмоқда. Бу жиҳатдан областимизнинг деярли ҳамма районларида, колхоз ва совхозларида кўрилган тадбирлар, партия ташкилотлари бошчилигида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Партиявий-сиёсий, оммавий-ташкилий ишлар бевосита далада, колхозчилар ўртасида олиб борилмоқда.

Областимиз саноат корхоналарининг илғор коллективлари беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва СССР Конституциясининг бир йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан ажойиб ватанпарварлик ташаббусини бошлаб бердилар. Бу жиҳатдан, тўлқинлантирувчи ҳаракат миллионларнинг кундалик ва умумий ишига айланиб кетди. Саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларида умумхалқ социалистик мусобақаси кун сайин қизғин тус олмоқда. Тўқимачилар, шахтёрлар, кимёгарлар, металлурглар, енгил саноат корхоналарининг ишчилари беш йилликнинг тўртинчи йили учун маҳсулот ишлаб чиқараётганликлари ҳақида ғалаба рапортлари бермоқдалар. Корхоналар ва қурилишларнинг партия ташкилотлари илғор тажрибаларнинг оташин тарғиботчилари сифатида иш олиб бориб, ҳар бир масалага ижодий, партиявий ва ҳозирги талаблар нуқтаи назардан муносабатда бўлмоқдалар. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати, Коммунистик районидаги «Политотдел», Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозлари, Калинин районидаги «Қорасув», «Хасково» совхозлари, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз партия комитетлари ўз йиғилишларида хўжаликларнинг фаолиятини мунтазам муҳокама қилиб борадилар, асосий эътибор олинган план ва социалистик мажбуриятларни бажаришга ҳамда ҳал этилиши лозим бўлган навбатдаги муҳим вазифаларга қаратиладн. Шу билан бирга бошланғич цех партия ташкилотларн ва группаларида раҳбарлик ва ташкилотчилик услублари қандай йўлга қўйилганлиги ўрганиб чиқилади ва қимматли маслаҳатлар берилади.

Партиямиз Марказий Комитети партия ташкилотларининг фаолиятини кучайтириш, уларнинг раҳбарлик ва ташкилотчилик санъатини юксалтириш юзасидан кўпгина тадбирлар кўрмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумларида, турли соҳалар бўйича қабул қилинган қарорларда бу масала яққол кўриниб турибди. Ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, биз ифодаларнинг ўткирлигини эмас, ишнинг моҳиятини назарда тутамиз. Қабул қилинган қарорлар бажарилиши лозим эканлиги ҳар бир кишига аёндир. Партия қарорлари эса унинг коллектив иродаси, омманинг жамланган тажрибасидир. Қабул қилинган қарорларнинг ижросини контрол қилиш ва текшириш — ташкилотчилик ишининг, партиявий раҳбарликнинг муҳим қисмидир. Бу ҳар бир партия, совет ва хўжалик раҳбарининг, ҳар бир партия органининг, ҳар бир бошланғич партия ташкилотчисининг ишидир. Афсуски, баъзи район, шаҳар партия комитетлари ва бошланғич ташкилотлар бу партиявий талаб ва қондага ҳамма вақт ҳам амал қилмайдилар. Қабул қилинган қарорларнинг, белгиланган тадбирларнинг қандай бажарилаётганлиги назорат қилиб борилмайди.

Область партия комитети Оҳангарон район партия комитетининг чорвачиликка раҳбарлик қилишдаги фаолиятини кўриб чиқди. Район чорвачилик, сабзавотчилик ва дон хўжалигига ихтисослаштирилган. Лекин район партия комитети ва район ижроия комитети бу муҳим ва ҳаётий масалаларни ҳал этиш юзасидан пухта ўйланган, истиқболли, хўжаликлар тараққиётини кўзлайдиган план ва тадбирларни амалга ошираётганича йўқ. Масалалар атрофлича ўрганилмайди. Қабул қилинган қарорлар бажарилмай қолади. Талабчанлик, партия ва давлат ишига юксак масъулият ҳисси етарли эмас. Айрим хўжаликларда чорва молларн сони камайиб кетган. Раҳбарликнинг умумий ва юзаки бўлиши натижасида баъзи хўжаликларнинг ходимлари масъулятни сезмайдилар, топширилган ишга юзаки муносабатда бўладилар. Бу районда қўзилатиш кампаниясининг муваффақиятсиз ўтказилиши, қўйлардан кўзи олиш ва умуман чорвачиликни ривожлантириш планларининг бажарилмай қолишига олиб келди. Район раҳбарлари ҳар гал ваъда берадилар, кетма-кет мажлислар ўтказадилар. Лекин булардан бирон бир фойда кўринмаяпти.

Бу йил областимиз меҳнаткашлари юксак социалистик мажбуриятлар олганлар. Бу йўлда фидокорона меҳнат қилинмоқда. Партия ташкилотлари оммага бошчилик қилишлари, ватанпарварлик ҳаракатлари ва ташаббусларини кенг тарғиб этиб, ўзларининг бутун ташкилотчилик, раҳбарлик санъатларини, ленинча иш услубларини, қобилиятларини коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга қаратишлари керак.

ЎЗБЕКИСТОН ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ КАТТА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан, социалистик мусобақани авж олдириб меҳнатда катта ғалабага эришдилар давлатга пилла сотиш юзасидан беш йилликнинг учинчи йили учун олинган мажбуриятни анча ошириб бажардилар. Республика колхоз ва совхозлари ипак қуртини боқишнинг илғор усулларини ишлаб чиқаришга жорий қилганликлари туфайли нозулай келган баҳорнинг ғоят оғир шароитларида 28,9 минг тонна пилла етиштириб, давлатга сотдилар. Бу эса планда белгиланганидан 4,6 минг тонна ёки 19 процент кўпдир. Ана шу қимматли хом ашё биринчи марта шунча кўп миқдорда тайёрланди. Бутун маҳсулот асосан биринчи сортга топширилди. Ҳар қути қурт уруғидан 70 килограммдан пилла олинди.

Мамлакат ўнинчи беш йиллигининг уч йили мобайнида 82,3 минг тоннадан кўпроқ пилла олди, бу пилланинг 12 минг тоннаси планга қўшимча равишда топширилди.

Республиканинг ҳамма областлари ва Қорақалпоғистон АССР, деярли барча районлар ва хўжаликлар олган мажбуриятларини анча ошириб адо этдилар. 5700 тоннадан зиёд пилла топширган Фарғона областининг, 4445 тонна пилла топширган Андижон областининг, 3736 тонна пилла топширган Бухоро областининг, 3250 тонна пилла топширган Самарқанд областининг, 3035 тонна пилла топширган Наманган областининг пиллачилари жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Сирдарё областининг пиллачилари пилла сотиш планини 126 процент, Тошкент ва Жиззах областларининг пиллачилари 121 процент, Қашқадарё областининг пиллачилари 120 процент, Сурхондарё областининг пиллачиларн 119 процент, Қорақалпоғистон АССР пиллачилари 117 процент, Хоразм областининг пиллачилари 106 процент бажардилар.

Қарийб 60 район, 600 дан зиёд хўжалик ҳар қути қурт уруғидан 70—110 килограммдан пилла олди. Олтинкўл, Андижон, Балиқчи, Бўз, Жалолқудуқ, Избоскан, Комсомолобод, Кўргонтепа, Ленин, Марҳамат, Москва, Пахтаобод, Хўжаобод, Бухоро, Вобкент, Қоракўл, Арнасой, Жиззах, Косон, Китоб, Ульянов, Задарё, Косонсой, Норин, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Чуст, Янгиқўрғон, Пахтачи, Оқдарё, Булунғур, Жонбой, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Пайариқ, Самарқанд, Хатирчи, Ленин йўли, Термиз, Боёвут, Сирдарё, Комсомол, Бўстонлиқ, Ғалаба, Янгийўл, Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Олтиариқ, Бувайда, Ленинград, Фарғона, Қува, Ғурлан, Амударё, Хўжаили районларининг ва бир қанча бошқа районларнинг пиллачилари энг юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бу районларнинг пиллачилари ҳар қути қурт уруғидан 70—80 килограммдан ва бундан ҳам кўпроқ пилла етиштириб, давлатга пилла сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини анча ошириб бажардилар.

Амударё районидаги Тельман номли, Янгийўл районидаги «Коммунизм», Олтинкўл районидаги «Коммуна», Пахтачи районидаги Охунбобоев номли, Термиз районидаги «Коммунизм», Жиззах районидаги «Москва», Китоб районидаги Ленин номли, Янгиариқ районидаги Чапаев номли, Сирдарё районидаги «Коммунизм» колхозларининг, Навоий районидаги «Нарпай», Учқўрғон районидаги Ленин номли, Қиров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» ва бир қанча бошқа хўжаликларнинг пилладан энг юқори ҳосил олдилар.

Бувайда районидаги К. Маркс номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олияхон Султонова, Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳалима Ҳолматова, Тўрткўл районидаги «Ленинизм» колхозидан Авазгиний Созанқиличева, Олтинкўл районидаги «Коммуна» колхозидан Ойтўтихон Аҳмедова, Навоий районидаги Навоий номли колхозидан Назира Усмонова, Қарши районидаги «Ленин йўли» колхозидан Таҳсин Бердиева, Чуст районидаги «Чуст» колхозидан Маҳиратхон Мусаева, Каттақўрғон районидаги К. Маркс номли колхозидан Каромат Азизова, Жиззах районидаги Навоий номли колхоздан Саломат Ашурматова, Пероздок районидаги Ленин номли колхоздан Бибидавна Шералиева, Гулистон районидаги Фрунзе номли колхоздан Жумагул Худоёрова, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозидан Қиммат Юсупова, Хива районидаги Оғаюй номли колхоздан Понша Машарипова, ҳар қути қурт уруғидан 125—140 килограммдан ва ундан ҳам кўпроқ пилла олишга эришдилар.

Бу йил мавсумда пиллачиликни саноат негизига кўчириш юзасидан конкрет амалий тадбирлар рўёбга чиқарилди. 17 та пиллачилик комплекси қурилиб, ишга туширилди. Қуртни жонлантиришдан тортиб қуртхонани тозалаш ва пилла топширишгача ишлаб чиқаришнинг деярли ҳамма жараёнлари механизациялашган бу комплексларда пилла ҳосилдорлиги ва хом ашё сифати анча ошди. Пиллага ишлов бериш жараёнларини механизациялаштирилмоқда, бу эса меҳнат сарфини 2—2,5 баравар камайтириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини берди. Ипак қурти тут барги билан боқилаётганида хлорелла суспензиясидан фойдаланиш кенг жорий этилди.

Республика пиллачилари эришган муваффақиятларда ипак қурти заводларн ва пиллачилик станцияларн ишчилари, хизматчилари, мутахассислари ва олимлар ўз меҳнатлари билан катта ҳисса қўшдилар. Улар колхоз ва совхозларни йил сайин юқори сифатли қурт уруғи билан таъминламоқдалар. Тайёрлов пунктлари пилла қабул қилишни пухта ташкил қилдилар.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати доимо ёрдам бераётганликлари, пиллачилар фидокорона меҳнат қилганликлари, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қишлоқда ташкилотчилик ва сиёсий ишларни моҳирлик билан олиб борганликлари туфайли ана шундай ажойиб ғалабага эришилди.

Республиканинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленумида, ВЛКСМ XVIII съездида сўзлаган нутқларида ўртага қўйган вазифаларни ҳал эта бориб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига қилган сафари вақтида берган маслаҳатлари ва йўл-йўриқларини бажара бориб, ҳозирги вақтда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш ва чорвачиликни юксалтириш учун, беш йилликнинг учинчи йили мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун қаҳрамонона курашни зўр меҳнат завқ-шавқи билан авж олдириб юборадилар.

ТОҒЛАРДАГИ БОҒЛАР НЕЪМАТИ

БЎСТОНЛИҚ район тоғ мевазорларида гилос терими бошланди. Ихтисослаштирилган «Ҳўжакент» совхози савдо тармоқларига ширин гилоснинг дастлабки тонналарини жўнатди. Бу йил ҳосил мўл. Совхозда дарахтлар тоғ шароитига мос қилиб экилган. Бу эса қоялардаги дарахтларни парвариш қилишда қийин операцияларни механизациялашга, илғор агротехникадан фойдаланишга ёрдам беради.

Мана шу зонада жойлашган «Бўстонлиқ», «Чорвоқ» совхозларида ва бошқа хўжаликларда гилос, олча, олхўридан мўл ҳосил етиштирилган. Академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бўстонлиқдаги филиали ходимлари ҳосилдорликни кўпайтиришга ёрдам бермоқдалар. Уларнинг кўрсатмаларига мувофиқ дарахтларга фосфорли, азотли, калийли ўғитлар кўп миқдорда берилмоқда. Бу — дарахтларнинг тез, яхши ривожланишига, ҳосилнинг мўл бўлишига ёрдам беради. Олимларнинг зараркунандаларга, бегона ўтларга қарши кураш ҳақидаги кўрсатмалари ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Тошкентдаги боғдорчилик, виночилик совхозлари трестининг хўжаликлари турли ҳил тупроқ-иқлим зоналарида жойлашган. Бу йил барча зоналарда ҳам ҳосилкўп. Ғалаба районидаги «Огонёк», Оржоникидзе районидаги «Қибрай», Чиноз районидаги «Олмазор» совхозларининг боғларидаги олма, шафтоли, ўрик, олча дарахтларида ҳосил жуда мўл. Бу ерларда гектаридан 150—180 центнердан мева берадиган жуда катта боғлар бор. Ихтисослаштирилган совхозлар трести коллективлари бу йил 29 минг тонна, яъни плангдан 2 минг тонна кўп мева етиштириш мажбуриятини қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

СОН БИЛАН ЭМАС, МАҲОРАТ БИЛАН

Ташаббус издошлари

Корхонада бу бригада аъзоларини ташаббускорлар деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам улар бошланган ватанпарварлик ташаббусларига коллектив орасида биринчи бўлиб қўшилишади. Республикамиз ўн тўрт илғор ишчиси бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш ташаббуси билан чиқишганда бригада аъзолари уни биринчи бўлиб қўллаб-қувватладилар. Ўз нмкониятларини ҳисобга олиб, зиммаларига юксак мажбурият олишди. Бир беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажаришга бел боғлашди. Бу ташаббусни завод маъмурияти ва партия ташкилоти қўллаб-қувватлади.

Бригада аъзолари Свердловск бинокорларининг бригада беш йиллигини ҳам ишчи сони билан бажариш ҳақидаги ташаббусларини маъқуллашди. Бир ишчини бошқа бригадага ўтказишди.

Кам сонли бригада аъзолари маҳорат билан унумли ишлаш, мавжуд асбоб-ускуналардан ва иш вақтидан самарали фойдаланиш учун тинмай изланиш олиб боришяпти. Қатор резервларни қидириб топиб ишга солишди. Шу сабабли меҳнат натижаси баракали бўлмоқда. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Масалан, бригада аъзолари 1976 йилда пландаги 1667 тонна ўрнига 2967 тонна каноп поясини квитишган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткични анча оширдилар. Йил давомида 4267 тонна каноп пояси квитилди. Натижада икки йиллик топшириқ бажарилди. Улар беш йилликни СССР Конституциясининг бир йиллигигача бажариш учун иш суръатини кун сайин оширмоқдалар.

Ғалаба районидаги «Янги ҳаёт» луб заводида Р. Ҳайрутдинов бошчилигидаги бригада аъзоларининг меҳнатидан ҳамма миннатдор. Чунки, улар ваъдаларига вафо қилишяпти. Топшириқни муттасил икки баравар атрофида бажариш билан ишнинг сифатли бўлишига ҳам эришмоқдалар.

«Ҳурмат белгиси» ордени кавалери, ёш коммунист Р. Хайрутдинов бригадаси аъзолари шу кунларда ҳам зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишяпти.

М. УСМОНОВ.

ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ЎЗ ҚЎЛЛАРИДА

Катта йўлга борнб тақаладиган эгатларда ғўзалар тизилишиб турибди. Алп қоматли Ёқуб ака Сарибоев вазмин одим ташлар экан, дамба-дам тўхтаб, чўкка тушади, ниҳолларни авайлаб кўради. У ер — бу ерда ғўзаларни юлиб, илдизини синчиклаб текширади. Умуман очиқ чеҳрали Ёқуб аканинг ҳозир юзи тундланган, қалин қошлари чимирилган.

— Ғўза шоналайдиган пайт, — гўё ўзи билан суҳбатлашаётгандек оҳиста дейди Ёқуб ака. —Бултур чигитни сув бериб чиқариб олганимизга куйинмасак ҳам бўлар экан. Ўшанда ҳам ғўза шу кунларда беш-олти барг чиқарган эди. Бу йил бўласа... Олди ғўза юз кўрсатганига бир ой бўляптию сира кўтарилмайди. Бу ёқда бир пайкалда культивацияни тугалламасдан ширага қаршн дори сепиш керак. Ўғитлашни ҳам кечиктириб бўлмайди. Тағин бегона ўтларнинг кўпайиб кетганлигини айтмайсизми. Албатта, ҳаммасига об-ҳаво сабаб, Аммо, биз осмонга қараб қўл қовуштириб турсак ютқазамиз. Ҳозир ғўза гўё тетапоя қилаётган гўдак, қўлидан етаклamасанг қоқилиб кетади.

Бригадир дўнгликка чиқиб, далаларига бирма-бир разм солади. Ёнма-ён пайкалларда икки трактorда культивация қилиниб, ғўза озиқлантириляпти. Яна бир механизатор далаларда ҳашаротларга қарши дори сепмоқда. Бригаданинг барча аъзолари йўлнинг нариги ёғидаги далада ғўзани чопиқ қилишяпти. Ғўзага ишлов берилиб, озиқлантирилган картага сувчилар сув тараб юборганлар.

— Ҳа, ҳосил тақдири ўз қўлимизда, — фикрини давом эттиради Ёқуб ака. — Ғўзадан меҳримизни аямасак тезда унинг қаддини ростлаймиз, ҳосилга безаймиз. Бу шароитда вақт билан ҳисоблашиб ўтиришга тўғри келмайди. Пахтакорларимиз ҳам шундай ишлаяптилар. Улар тонг саҳардан кечқурун кўз илғагунча далададар.

Ёқуб ака Сарибоев — Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхознинг бригада бошлиғи, тажрибали пахтакор. Бригада мириқишлари кўп йиллардан бери гектаридан 40—50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб келишаяпти. Бу йилги марралари ҳам гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш.

Юксак мажбурият масъулияти пахтакорларни фидокорона меҳнатга даъват этмоқда. Ҳозир бригаданинг ҳар бир аъзоси далаларда пахта ишқи билан жавлон уряпти. Шу туфайли об-ҳаво нноқулликларига қарамай ғўза ниҳоллари баравж ўсиб, тез ривожланяпти.

Хўжаликда бундай мириқишкор пахтакорлар кўп. Соғинбой Эсонбоев, Лутфулло Назаров каби ўртоқлар бошлиқ бригадалар аъзолари ҳам ғўзаларини меҳрларига қондиряптилар.

Колхоз аъзолари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида 5400 тонналик пахта хирмони уйиш мажбуриятини олганлар. Об-ҳавонинг ноқулай келганлиги улар иродасини бука олмади, аксинча янада ҳамжиҳат қилди. Ҳозир хўжаликнинг 800 аъзоси мардлар майдонига айланган пахтазорга чиққан. Улар далаларни бегона ўтдан тозалаяптилар, ғўзани чопиқ қилаётирлар.

Ғўза парваришида механизаторлар ҳақиқий дала ғвардиячилари эканликларини кўрсатаётирлар. Пахта далаларида 45 чопиқ трактори бетўхтов ишлаб турибди. Улар билан қатор ораларига ишлов бериляпти, ғўза минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилмоқда. Яна тўққиз трактор агрегатида далаларга ҳашаротта қарши кимёвий дори сепилмоқда. Бригадамизнинг беш нафар сувчиси кунига 7—8 гектар майдонни сувдан чиқаряпти.

Колхознинг барча сувчилари ҳам тадбиркорлик билан иш тутяптилар. Қатор ораларни юмшатилган, озиқлантирилган ва суғорилган пайкаллардаги ғўзалар кунда бир яшнаб, бўйига-бўй қўшмоқда.

— Ғўза парваришида асосий эътибор сифатга қаратилган, — дейди колхоз раиси Ўсар ака Жўраев. — Колхозимизнинг агротехникага кенгаши аъзолари ҳар бир бригадада ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш ва суғориш сифатини текшириб, баҳолаб борадилар. Уларнинг кўрсатмаларига қараб, ҳар ўн кунда ишга якун ясаймиз, ғўза парваришида энг юқори натижаларга эришган уч бригада аъзолари социалистик мусобақа ғолибларн деб топилиб, пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Хўжаликнинг бепоён пахтазорларида кеч оқшомгача жўшқин меҳнат ҳукм суради. Баракали пахта ҳосили етиштириш ҳаёи билан бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб ишлаётган пахтакор ва механизаторлар ғўзаларини яшнатмоқдалар.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

СТУДЕНТЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ф. ЭНГЕЛЬС номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтида ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарларига бағишланган студент лар конференцияси ўтказилди.

Конференцияда институт партия комитетининг секретари И. Саъдуллаев ўртоқ Л. И. Брежнев хотираларининг студент ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида доклад қилди. Тарих фанлари доктори Р. Каримов ана шу хотираларнинг совет кишиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эга эканлигн тўғрисида атрофлича сўзлади. Илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари В. Тельцов, француз тили факультетининг декани Т. Абдуразоқов, доцент Ю. Китов ва бошқалар мазкур китоблар асосида студентлар орасида ғоявий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш вазифаларига тўхталдилар.

Ш. ЖУРАҚУЛОВ, «Тошкент ҳақиқати» ишчи-муҳбирлар университетининг тингловчиси.

БУЮРТМАЧИЛАР МИННАТДОР

«МАГАЗИНЛАРДА Г И кийимлар бизга ўхшаган кексаларга тўғри келавермайди, — таклифлар дафтарини варақлар экансиз кўзингиз шундай мисраларга тушади. — Моҳир чевар қизимиз Мавжуда Абдуллаева дидимизга, ёшимизга мос кийимларни тикиб беради. Қўли гул қизимиздан беҳад миннатдормиз». Бу мисралари Улуғ Ватан уруши қатнашчилари С. Иброҳимов, А. Султонов, В. Қодиров ва бошқалар ёзиб қолдиришибди.

Таклифлар дафтарини варақласангиз, моҳир чеварга миннатдорчилик билдирилган бундай жумлаларни кўплаб учратасиз. Ўн икки йилдан бери чеварлик қилиб келаётган Мавжуда Абдуллаева ҳар бир буюртмачининг ёшига, дидига мос бежирим ва нафис кийимлар тикиб беради. Шунинг учун ҳам унинг меҳнатидан кўпчилик ҳурсанд.

Ленин номли якка тартибда кийимлар тикиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг бу донгдор чевари саккизинчи синфни тугатгач, ҳеч иккиланмай чеварлик касбини эгаллашга аҳд қилди. Шу мақсадда шаҳардаги 5-ҳунар-техника билим юртига ўқишга кирди. Уни аъло баҳолар билан тугатди. Меҳнат қўйнига отилгач, ўз касбининг сир-асрорларини синчковлик билан ўрганиб борди. Қўшимча касблар эгаллади, бичиқчилик курсини ҳам битирди. Ҳозир кийимларни ҳам бичади. ҳам тикади. Шунинг учун ҳам иши унумли ва сифатли бўлмоқда. Нормани доим ошириб адо этади. У шу кунларда 1979 йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига ишламоқда.

Мавжуда Абдуллаева жуда кўп шогирдларга устозлик қилди. Ундан тикиш ва бичиш сирларини ўрганиб олган ўнлаб ишчилар бирлашма модалар ателеларида меҳнат қилишяпти. Замир Баширов, Маҳфуза Расулова. Муҳаббат Файзиева, Турсуной Маҳмудова ва бошқалар шулар жумласидандир. Шогирдлар ҳам эндиликда моҳир чеварлар сафидан жой олишган. Меҳнатда, ахлоқ-одобда кўпчиликка намуна бўлишяпти.

Бирлашма бўлинмаларида Мавжуда Абдуллаева сингари кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонган чеварлар анчагина бор. Улар буюртмачиларнинг кийимларини белгиланган муддатларда ва сифатли қилиб тикишга эришишяпти. Фотима Усмонова, Лидия Кожеватова, Валентина Беракова, Мария Ким, Лобар Мақсудовалар ана шундай меҳнатсевардан. Бу пешқадамлар уч йиллик нормани СССР Конституциясининг бир йиллигн кунигача бажариш юзасидан бошланган ташаббусда фаол қатнашмоқдалар. Ана шу ватаннинг уддасидан чиқиш учун бутун куч ва тажрибаларини сарфлаб ишлашяпти. Топшириқни доим бир ярим баравар атрофида адо этишяпти.

Шу йилнинг ўтган ойларида пландагидан ташқари ўнларча минг сўмлик иш бажарган бирлашма чеварлари йилни яхши якунлаш ва хизмат маданиятини янада ошириш мақсадида тиним билмай изланмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ САМАРАСИ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ТАРБИЯВИЙ ИШГА КОМПЛЕКС ЁНДОШУВ

Идеология ходимларимиз партия сўзини омма онгига етказишга, ватанпарварлик ташаббусларини кенг пропаганда қилишга, кишилар онгида коммунистик эътиқодни шакллантиришга, бутун эътиборни бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори олдимизга янги муҳим вазифалар қўйди. Биз бундан кейин ҳам идеология ишларини янада юксак даражага кўтаришимиз, лекция пропагандасини жонлантиришимиз лозим.

Ҳозирги кунда колхоз ва совхозлар, саноат ва транспорт корхоналари, қурилиш ташкилотлари пропагандистлари, агитаторлари, сиёсий ахборотчилари, сиёсий ташкилотчилари омма ўртасида катта ғоявий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни олиб бормоқдалар. Районимиз колхоз ва совхозларк бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ўқувининг вазифалари тўғрисида»ги қарорига асосан қатор тадбирлар ишлаб чиқишган.

Район партия комитети ҳузуридаги сиёсий маориф кабинетида меҳнаткашларга иқтисодий билим бериш район совети тузилган. 1977—1981 йиллар учун перспектив план тузилган. Пропагандист кадрларни тайёрлаш бўйича бир қатор режалар белгиланган.

Малакали пропагандист кадрларнинг етарли бўлиши, уларни назарий ва методик жиҳатдан пухта тайёрлаш сиёсий-иқтисодий таълим самарадорлигини оширишда муҳим шартдир. Шу мақсадда семинарлар ўтказиб турилибди. Ўқишнинг ғоявий-сиёсий савиясини янада ошириш ва кадрларни ғоявий жиҳатдан ўсишини ҳамда амалий малакасини таъминлашда илмий-назарий, илмий-методик ва илмий-амалий конференциялар катта роль ўйнамоқда.

Район партия комитети ўқув йили давомида сиёсий маориф кабинетида махсус ишлаб чиқилган график асосида сиёсий ва иқтисодий ўқишга доир группа тарзида ҳамда индивидуал консультациялар ўтказиб туради. Методик тавсиялар берилади. Шунингдек кабинетда сиёсий маориф ва иқтисодий ўқишга онд бурчаклар, выставкалар, витриналар уюштирилган. Уларда методик советнинг иш плани, совет йиғилишининг протоколлари, энг яхши пропагандистлар, лекторлар ва бошқа агитацион кадрларнинг иш тажрибалари ҳақидаги материаллар, район фаолиятига онд справкалар, сиёсий мактаблар, тўгараклар, семинарлар фаолиятини текшириш юзасидан тавсиялар, ўтказилган турли назарий ва методик конференциялар ҳақидаги ҳужжатлар кўргазмали ва техник воситалардан қандай фойдаланиш ҳақидаги тавсиялар мавжуд.

Бундай кабинетлар хўжаликларда ҳам бор. Масалан, Оржоникидзе номли, Куйбишев номли колхозлар, «Хасково», «Қорасув», Свердлов номли совхозларда ташкил этилган сиёсий маориф кабинетлари ва методик советларнинг иши диққатга сазовордир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тавсиясига биноан ушбу ҳужаликларнинг кабинетлари ва уларнинг иш фаолиятлари махсус комиссия томонидан ўрганилиб, район партия комитетининг бюросида кўриб чиқилди, илғор тажрибаларни пропаганда қилишга қарор қилинди.

Шуни таъкидлаш керакки, кабинетлар ҳузуридаги методик советлар «Пропагандист — беш йилликка» ҳаракатида муҳим роль ўйнаб, машғулотларнинг изчил формаларини жорий этиш, ўқишнинг намунали бўлишини таъминлади.

Район партия комитети «Партия XXI съезди» совхозида иқтисодий ўқишни ташкил қилиш тажрибасини умумлаштирди. Бу ерда давлат планлари ва социалистик мажбуриятлар йил сайин оширib бажарилмоқда. Ҳўжалик муваффақиятларга кўп жиҳатдан партия ташкилотининг иқтисодий ўқишга катта аҳамият бераётганлиги туфайли эришмоқда. Ишчилар иқтисодий мактабларда, коммунистик меҳнат мактабларида, партия ва комсомол сиёсий маорифининг турли бўғинларида ўқимоқдалар. Бу ерда бир қатор пропагандистлар борки, улар тингловчиларнинг билимини бойитишга баракали ҳисса қўшмоқдалар. Пропагандист Зикир Эгамназаров машғулотларни жонли, қизиқарли бўлишига, назарий масалаларни тажриба билан боғлаб, экономика масалаларини чуқур очиб беришга, энг яхши ишчиларнинг тажрибасини ҳамда қолоқларнинг камчилигини кўрсатиб беришга эътибор қилади. Бу эса ўқишнинг таъсирчанлигини оширишга, уни ҳаёт билан боғлашга ёрдам бермоқда. Тингловчиларнинг 60 процентдан кўпроғи коммунистик меҳнат ҳаракатида қатнашмоқда.

«Қорасув» совхозининг донглор сабзавоткори Абдураҳим Шерматов эрта муддатларда ҳосил етиштиради. Унинг бой тажрибаси Калинин номли колхоз иқтисодий ўқув пропагандисти ўртоқ Абдулла Қодировни қизиқтириб қолди. У ана шу тажрибани атрофлича ўрганди, Шундан сўнг, хўжаликдаги Боқи Фозилов бошлиқ бригада аъзолари ўртасида ўтказилаётган машғулотларда эртаки сабзавот етказиш усулларини ва олинадиган даромаднинг миқдори ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Пропагандист фаолиятининг амалий натижаси шу бўлдики, Фозилов бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили энг эрта муддатга гектаридан 15 тоннадан картошка етиштириб давлатга топширди. Бундан бригада аъзоларининг даромади сезиларли даражада кўпайди.

Тингловчиларга ўқув топшириқларидан ташқари амалий топшириқлар бериш ҳам синаб кўрилмоқда. Хўжаликнинг кейинги йиллардаги ривожланиши ҳақида материал тайёрлаш, текширишлар учун курашда коммунист ва комсомолларнинг иштирокини анализ қилиш, халқ контроли группаларига иши ҳақида материал йиғиш амалий топшириқнинг мазмунидир. Тингловчиларга бериладиган амалий топшириқларга ўз коллективи ўртасида сиёсий аҳборот ўтказиш, доклад билан чиқиш, сиёсий-иқтисодий, маънавий темаларда суҳбатлар уюштириш, қолоқлар билан индивидуал иш олиб бориб, уларни илғорлар даражасига етказиш каби масъулиятли вазифалар ҳам киради.

КПСС Марказий Комитетининг «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида лекция пропагандаси савиясини ошириш, унинг таъсирчанлигини кучайтириш ва ҳар бир коллектив олдида турган вазифалар билан бевосита қўшиб олиб бориш лозимлиги уқтирилди. Биз бунга алоҳида эътибор бердик.

Бу йил район партия маорифи системасида 4818 киши, комсомол сиёсий ўқувига 2122 йигит-қиз, иқтисодий таълим системасига 10 мингдан ортиқ киши билимини бойитди. Улар дарсларда назарий билим ва тажрибаларини оширидилар, ўз ўртоқларини илғор тажрибаларни эгаллашга ундамоқдалар.

Учинчи беш йилликнинг учинчи йилида олдимизда катта вазифалар турипти. Биз сабзавот ва мева етказиб бериш беш йиллик планини тўрт йилда, картошка, полиз маҳсулотлари, гўшт сут, жун сотиш планини тўрт ярим йилда адо этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўганмиз. Бу улкан вазифа шараф билан бажарилади.

Т. ЮСУПОВ,
Калинин район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти В. И. Ленин тўла асарлар тўплами бешинчи нашрининг 37-томини ўзбек тилида босмадан чиқарди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг филиали томни босмага тайёрлаган, асар Тошкент полиграфия комбинатида чоп қилинган.

(ЎзТАГ).

РЕМОНТ ҚИЗҒИН

Чимбойлиқ қишлоғидаги Нариманов номли 13-ўрта мактабда ремонт ишлари бошлаб юборилди. Ҳозиргача мавжуд синфхоналарининг ярми ремонтдан чиқарилди. Бу ишда сувоқчи ва бўёқчилардан М. Нўлдошев, Н. Соттиев, Ш. Ражабовлар ҳамкасбларига ўрнак бўлиб ишлашмоқда. Ремонтчилар мактабни 1 июлгача янги ўқув йилига тахт қилиб беришга аҳд қилишган.

Ж. РАЖАБОВ,
Бўстонлиқ райони.



● **Саломат ЭРМАТОВА пойтахтдаги «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам ишчиси. У қисқа муддатда тикувчилик касбини пухта эгаллаб олиб, ҳозирги кунларда смена топшириқларини 110—120 процентга етказиб бажаряпти. Суратда: мастер Дилором Ёқубова Саломат Эрматова тиккан маҳсулотни кўздан кечирмоқда.**

И. Хонкелдиев фотоси.

● **Абдулла ПИРИМОВ 35 йилдан буён Тошкент кабель заводида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Унлаб ёшларнинг устози бўлган бу илғор ишчи СССР Конституциясининг бир йиллигигача ўнинчи беш йиллигининг уч йиллик шахсий топшириғини бажариш мажбуриятини олиб ишлаяпти.**

И. Глауберзон ва В. Скротский фотоси.



СУВ ИШҚИДА

КАНАЛ қурилишига экскурсияга келган бир группа ўқувчилар катта Паркент—Тошкент магистрали йўлидан ўтиб, Паркент сойи остига ўрнатилаётган дюкер олдига келиб тўхтаб қолишди. Бир неча ой илгари оддий тошлоқдан иборат бўлган сой чуқур кавланиб, икки томонга тоғдек-тоғдек тупроқлар уюб ташланганлиги уларни ҳайратга солди. Улар айниқса ер остига қурилаётган дюкерни тезроқ кўришга ошиқардилар.

Икки бульдозер, бир экскаватор, бир кран, саккиз юк машинаси ва бошқа техника воситалари тинимсиз ишламоқда. Одамларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бир группа кишилар илгари монтаж қилиб тайёрланган арматура устунларни пайвандлаётган бўлишса, бошқа бировлари шу устунларни ўз ичига олган опалубкаларга цемент қоришмаси қуйишмоқда. Уларнинг орасида арматура тиклаш билан шуғулланаётган участка бошлиғи Комил Раҳматуллаев ўқувчиларга яқинлашди. Салом-аликдан кейин уларни дюкернинг ичкарисига бошлади.

Ўқувчилар аввал дюкер бошидаги катта ҳовузда кейин ҳар бири уйдай-уйдай келадиган, баландлиги ва эни 2 метрдан бўлган ер остига жойланган икки тунель қўрилма ичига кириб кетдилар.

— Шу дюкернинг узунлиги 380 метр бўлиши керак, — дея таништира бошлади участка бошлиғи. — Ҳозиргача биз дастлабки 100 метрини қуриб битказдик. Коллективимиз жами 32 кишидан иборат. Улар орасида беш йилликнинг охирги йили ҳисобига ёки тўртинчи йил ҳисобига ишлаётган зарбдор қурувчилар анчагина.

Ўқувчилар илғор пайвандчи Адҳам Фозилов, забардаст бетончилар Бакир Туробов, Қобилжон Қурбонов, Ҳаким Тошпулов, Ҳусанбой Ғуломов, Ваҳобжон Нурмаканчи Виктор Фишернинг серунум меҳнати жараёнини ўз кўзлари билан кўришди. Электромонтёр Миробид Саъдиев, тракторчи Абдуғовлар билан танишдилар. Ўқувчиларга гапириб беришсаттор Носировлар ўзлари ди.

Ўқувчилар энди жўнамоқчи бўлиб турганда Паркент канали қурилиши бош инженери И. Саркисов келиб қолди. Ўқувчилар унн ҳам саволга тутишди.

Ўқувчилар тепаликда бир экскаватор ва икки бульдозер билан тупроқ қазилаётган жойга бордилар. Инженерга савол назари билан қараганларида у шундай деди:

— Шу тепалик иккига бўлинади. Иккала ёнидаги пастликлар эса 10 метрдан баландликка кўтарилади. Олтмиш жойда шундай тепаликлар қирқилади, ва кўплаб чуқурлик, паст-текисликлар кўтарилади. Каналнинг охиргача 9 дюкер, 142 кўприк, тўғон ва бошқа шу каби турли қурилмалар қурилади.

Айни кунда каналнинг ҳамма қисмида қурилиш ишлари қизғин бораётгани ва ҳар бир қурилишда ишчилар зўр гайрат-шижоат билан ишлаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўқувчилар бу экскурсияда канал қурувчиларнинг ёрқин истиқбол учун, турмушимизни янада фаровон этиш учун қилаётган жасоратли ишларининг гувоҳи бўлдилар. Уларнинг бир нечаси келажакда қурувчи бўлишга, азим-азим каналлар, улкан қурилишларнинг бунёдкори бўлишга аҳд қилдилар. Битирувчи синф ўқувчиларидан бир неча киши эса ҳудди мана шу объектда ишлашга қарор қилишди.

Канал қурувчиларининг фаолияти билан танишар уларнинг гайрат-шижоат билан ишлаётганликларини кўриб офарилар айтинг келади. Бу азаматлар 1-, 2 ва 3-кўчма механизациялашган колонналарнинг бунёдкор қурувчилари, 23-автотранспорт корхонасининг ҳайдовчиларидирлар.

И. ОДИЛОВ,
Коммунистик район «Суръат» газетасининг ходими.

САЛОМАТЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Шифокорларнинг бу учрашуви ҳаммага манзур бўлди. «Янги турмуш» маҳалла аҳолиси бир неча мавзуда лекция тинглагач, қизиққан саволларга жавоб олди. Собир Раҳимов районидаги 10-амбулатория бош врачининг ўринбосари Э. Зайниддинов, гинеколог М. Орипова, терапевт Ш. Исмоилова ва бошқа шифокорларнинг чиқишлари маҳалла аҳлида катта қизиқиш уйғотди. Бу учрашувда йиғилганлар сариқ касаллигининг келиб чиқиши, ошқозон яллиғланиши ва бошқа турли юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ва қандай қилиб унинг олдини олиш ҳақида тушунча олдилар.

10-амбулатория шифокорлари жойларда бундай учрашувларни тез-тез ташкил этиб туришади. Бу профилактик тадбирлар яхши натижа бермоқда.

А. ТОЛИПОВ.

РЕПОРТАЖ

ФИДОКОР

Инженер каналнинг қурилиш суръати ва барча объектларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди. У ўқувчиларга шу соҳанинг чап қирғоғи ёндошган катта тепалигини кўрсатиб, шу тепаликнинг нариги томонида қурилиш айниқса қизғин бораётганини айтди. Ўқувчилар шу томонни кўриш иштиёқида эканлигини айтганда, инженер уларни тепалик томон йўлга бошлади. Тепаликка чиққач у Чотқол тоғига уланган кенг пастликни кўрсатиб, бундай деди: — Шу кўринаётган тоғ остидан бошлаб, каналнин дастлабки 25 километри битказилди. Кўкламда янги ўзлаштирилган ерлар канал суви билан суғорилмоқда.

УВОҚ чигит ерга тушиб, етилиб пахтага айлангунча ва у газлама бўлиб, озиқ-овқат бўлиб, халқ эҳтиёжи учун хизмат қилгунгача юзлаб жараёнларни бошидан кечиради. Мана шу жараёнлардан бири — далаларда етиштирилган ҳосилни пахта пунктларида қабул қилиб олиш ва уларни саноат ишлаб чиқаришига йўллашдир. Пўлат Хожиакбаров худди мана шу жараёнда ишлайдиган масъул киши. У ўн йилдан буён «Оққўрғон» совхози марказидаги пахта тозалаш заводида фидокорона меҳнат қилиб келяпти.

Пўлат Хожиакбаров ўрта мактабни тугатгандан сўнг Тошкент қишлоқ хўжалиги техникумининг сиртқи бўлимига ўқишга кирди-да. Султон Сегизбоев номли совхознинг 6-бўлимида оддий ишчи бўлиб ишлай бошлади. Меҳнатсевар, пахтага меҳр қўйган бу йигитнинг ҳаракатчанлиги, ташкилотчилиги дарров кўпчилик эътиборини тортди ва у бригадир вазифасига тайинланди. Совхозда етиштирилган пахта ҳосили Оққўрғон пахта тозалаш заводига топширилар эди. Пўлат кўпинча териб олинган пахтани тележкаларга ортиб пунктга топшириш учун ўзи келарди. Бу ҳам анчагина мураккаб иш. Ўз бригадаси, қолаверса совхоз коллективининг пешона тери билан бунёдга келган «оқ олтин»ни юқори сортларга топширилишида албатта вакилнинг ҳам роли бор. У ишбилармон ва малакали бўлиши лозим. Пўлатдаги шу хислатларни сезган пахта тозалаш заводи раҳбарлари у билан қизиқиб қолишди.

— Анча бўлдими бригадир вазифасида ишлаётганингизга?— сўради бир куни дарвоза олдида турган завод директори Р. Жалилова.

— Кўп эмас, тўрт йил.

— Мутахассислигингиз нима?

— Агроном.

Суҳбат шу билан тугади. Бироқ орадан 3—4 кун ўтгач, бош инженер Пўлатни завод ҳузуридаги пахта пунктида ишлашга таклиф қилди. бу таклиф маъмурият билан бамаслаҳат бўлаётганини айтди.

Ўшандан буён Пўлат Хожиакбаров пахта қабул қилиш пунктининг мудири вазифасида ишлаб, коллектив ишончини оқлаб келмоқда. Унинг ўз касбини яхши билиши, ишига содиқлиги муносабатда бўлиши туфайли қар йили план ва мажбуриятлар ортиғи билан бажарилмоқда. Район хўжаликларида етиштирилаётган «оқ олтин» пункт дарвозасида қабул қилинишига навбат кутиб узоқ туриб қолмайди. Мана шу ишларда мудирнинг активлиги ва ишбилармонлиги катта роль ўйнайди.

Пахтани қабул қилиб олишда илғор иш усулларини қўллаш, янги-янги формаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш кабилар кўпинча унинг ташаббуси билан юзага келади. Пўлат мураббий ҳамдир. Бунтловчилар бригадасининг бошлиғи Сарвар Тожиддинов, ишчилардан Искандар Абдуллаев, Саидхўжа Хўжаев, Саиднаби Хўжаев кабилар унинг шогирдлари.

Ўтган йили завод бўйича жами 34 минг тонна пахта қабул қилиб олинди. Шундан 22 минг тоннаси Пўлат товаршунос бўлган пунктнинг ҳиссасидир. Бу аввалги йилдагидан анча кўп. Йиғим-терим кампанияси айни қизиган пайтларда суткада 800—900 тоннагача «оқ олтин» қабул қилиб олинади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йилда социалистик мусобақани кенг кўлоч ёйдириш тўғрисидаги Мактубига амалий иш билан жавоб бериш учун ҳаракат қилаётган корхона коллективи социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда.

Б. НЎЛДОШЕВ,
Х. АВВАЛОВ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ XVI ЧАҚИРИҚ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ V СЕССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНЧИЛИГИ ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ П. Ю. Юсуповнинг «Атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича Ўзбекистон ССР қонунчилиги талабларини бажариш юзасидан халқ депутатлари область маҳаллий Советларининг вазифалари тўғрисида»ги ҳамда область Совети доимий комиссиясининг раиси А. И. Шкуратовнинг табиат ва ер ости бойликларини сақлаш тўғрисидаги доклад ҳамда қўшимча докладларини тинглаб ва муҳокама этиб, шуни таъкидлайдики, кейинги йиллар ичида КПСС XXIV ва XXV съездлари қарорлари асосида область ер, сув, ўсимлик ресурслари, ҳаводан рационал фойдаланиш, шунингдек ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида бирмунча ишлар қилинди.

1977 йилда табиат муҳофазаси тадбирларига 18 миллион сўм, шаҳарлар ва район марказларининг санитария ҳолатини яхшилашга 8 миллион сўм сарфланди.

Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалик корхоналарида саноат ва юзадаги сувларни тозалайдиган иншоотлар қуриб, фойдаланишга топширилди, газ ҳамда чанг тортадиган қурилмалар ўрнатилди ва борлари реконструкция қилинди.

Суғоришни унумли ташкил этиш, тупроқни сув ва шамол эррозиясидан сақлаш бўйича кенг миқёсда муҳофаза тадбирлари амалга оширилди.

Кейинги икки йил ичида 7,2 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 8,4 минг гектар майдонда капитал планлаштириш ўтказилди.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига, ўсимликнинг касалланишига қарши кураш, қишлоқ хўжалигида заҳарли химикатлардан фойдаланишда белгиланган нормаларга риоя этиш тадбирларини қўллаш бўйича назорат яхшиланди.

Шу билан бирга халқ депутатлари область Совети таъкидлайдики, маҳаллий Советлар, хўжалик органлари, область корхона ва ташкилотлари ишида атроф — муҳитни муҳофаза этиш бўйича қонунчилик талабларини бажаришда жиддий камчиликлар ва нуқсонлар мавжуд.

Айрим корхоналарда ҳамон газ тозалайдиган ва чанг тортадиган янги қурилмаларни ўрнатиш, борларини қайта қуриш қаноатланарли даражада амалга оширилмаяпти. Ўзбекистон металлургия комбинати, «Чирчиксельмаш», «Электрохимпром» ва бошқа корхоналар шулар жумласидандир.

Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, саноат корхоналарининг, колхоз, совхозларнинг раҳбарлари аҳолини сув билан таъминлаш, сув манбаларининг тоза бўлиши борасида кам ғамхўрлик қилмоқдалар, улардан техникавий жиҳатдан тўғри фойдаланишни таъминламаяптилар. Область луб заводлари томонидан кўплаб оқава сувлар тозаланмаган ҳолда сув манбаларига қўшиб юборилмоқда.

Тозалайдиган иншоотлар қурилишининг суръати саноат ва турар-жой коммунал қурилишларининг суръатларидан орқада қолмоқда. Олмалиқ, Чирчиқ, Пискент, Ғазалкент шаҳарларида тозалаш иншоотлари қониқарсиз ишламоқда. Соғлиқни сақлаш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо тармоқларида, «Узсельхозтехника» корхоналари ва ташкилотларида канализация тармоқларини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаяпти.

Қишлоқ хўжалик органлари заҳарли химикатлар ва минерал ўғитларни сақлаш, ташиш ҳамда қўллаш жараёнларини зарур тартибга солмаганлар. Далаларга ишлов беришда ердаги аппаратлардан ҳамда зарарқунандаларга, касалликларга қарши курашнинг биологик методларидан кам фойдаланилмоқда.

Автомобиль транспорти ҳавони юқори даражада ифлослантиришга олиб келяпти. Область автомобиль трестлари, автомобиль корхоналарининг раҳбарлари давлат автомобиль инспекцияси машиналардан чиқадиган газларни камайтириш борасида самарали тадбирлар белгидамаяптилар.

Шаҳарлар, райолар марказлари ва бошқа аҳоли пунктларининг санитария аҳволини яхшилаш юзасидан етарли чоралар кўрилмаяпти.

Маъмурий органлар, бассейнлар инспекциялари, давлат назорат бўлимининг ходимлари атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича Ўзбекистон ССР Қонунчилиги талабларига риоя этишни суст назорат қилмоқдалар.

Халқ депутатлари область Совети **қарор қилади:**

1. Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари, муассасаларнинг раҳбарлари атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича Ўзбекистон ССР Қонунчилигига риоя қилишни тўла таъминласинлар ҳамда ўнинчи беш йилликка белгиланган тадбирларни бажариш юзасидан самарали чоралар кўрсинлар. Корхоналар ва ташкилотларнинг маблағларини бир жойга тўплаб, умумшаҳар ва район аҳамиятига эга бўлган тозалаш ҳамда канализация объектлари қуришга амалда кенг эътибор берилсин.

2. Шаҳар ва райолар Советларининг ижроия комитетлари, «Водоканал» область трести ҳамда суғориш системалари область бошқармаси канализация, ирригация, водопровод тармоқлари ва тозалаш иншоотларини ривожлантириш ишини янада яхшиласинлар.

3. Область ишлаб чиқариш автотрестлари, ички ишлар бошқармаси, шаҳар ва райолар Советларининг ижроия комитетлари, шунингдек, автотранспорт хўжалигига эга бўлган корхоналар ҳамда ташкилотлар, министрликлар ва уларга тегишли бўлган корхоналар автомобиллардан чиқадиган газларнинг миқдорини камайтириш ва ҳавони ифлослантирмаслик бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлашлари зарур.

4. Шаҳарлар ва райолар Советларининг ижроия комитетлари, область ижроия комитетининг капитал қурилиш бўлими, саноат ҳамда грамданларга мўлжалланган объектларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга топшириш борасидаги қонунчиликка риоя этишда талабчанликни оширсинлар. Ҳавога, тупроққа, ёки сувга зарарли моддаларни чиқариб ташлаётган корхоналар, цехлар агрегатларни қабул қилиш ишга туширишга йўл қўйилмасин.

5. Область қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалик бошқармалари, «Узсельхозтехника» бирлашмаси, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига заҳарли химикатлар ва минерал ўғитларнинг сифатини ошириш, уларни тўғри қўлланилишини назорат остига олишни ташкил этиш, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашда ердан туриб ишлов бериш, шунингдек биологик усулда курашиш воситаларини кенг қўллаш топширилсин. Барча хўжаликларда, ўсимликларни муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқариш отрядларида ва «Узсельхозтехника» бирлашмаларида янги типдаги омборхоналар қуришни таъминлаш йўлга қўйилсин. Эррозияга қарши кураш тадбирлар комплексининг бажарилишини ташкил этиш, ерни сақлаш мақсадида ўрмонзорлар ташкил этишни йўлга қўйиш зарур.

6. Область юстиция бўлими, область ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси, область халқ контроли комитети ва унинг жойлардаги органларига, санинспекциялар ва сувни муҳофаза этиш инспекцияларига ҳамда бошқа назоратчи хизмат ходимларига областда табиатни муҳофаза этишдаги ҳуқуқий нормаларга риоя қилишни назорат этиш бўйича ишни кучайтириш, юзадаги ва ер ости сувларини, ҳавони, тупроқни ифлослантиришга сабаб бўладиган ҳар қандай ҳолатларга барҳам бериш топширилсин.

7. Область ижроия комитетининг бўлимлари ва бошқармалари, шаҳарлар ва райолар Советларининг ижроия комитетлари, саноат корхоналари ва ташкилотлар томонидан 1978—1980 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза этиш юзасидан белгиланган тадбирлар маъқуллансин ва тасдиқлансин.

9. «Ташкентская правда» ва «Тошкент ҳақиқати» область газеталарининг редакцияларига, область радио эшиттириш комитетига матбуотда ҳамда маҳаллий радиода табиатни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш масалаларини кенг ёритиш топширилсин.

Область ижроия комитетининг раиси
П. ЮСУПОВ,

Область ижроия комитетининг секретари
Ҳ. УМАРОВ.

1978 йил, 29 май, Тошкент шаҳри.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

● **БУХАРЕСТ.** Руминиянинг Решицадаги энг катта металлургия марказларидан бирининг коллективи йиллик социалистик мажбуриятини муддатидан илгари бажарди. Металлурглар йил бошидан буён планга қўшимча равишда 16 минг тонна пўлат, 7 минг тонна чўян эритдилар, қарийб 4 минг тонна прокат ишлаб чиқардилар.



● **АҚШда аёлларнинг тенг ҳуқуқлигига учун қураш кенгайиб боряпти.** АҚШ меҳнат министрлигининг маълумотига кўра аёлларнинг иш ҳақи эркакларникига нисбатан 57 процентни ташкил этади. Суратда: дискриминацияга қарши намойиш қатнашчиларидан бири.

АП—ТАСС фотоси.

● **ХЕЛЬСИНКИ.** Бу ерда «Финляндия» саройида автоматик бошқариш проблемаларига бағишланган XII Жаҳон конгресси ўз ишини бошлади. Конгрессни автоматик бошқариш халқаро федерацияси уюштирди. Конгресс ишида қарийб 30 мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи, ЧССР, Венгрия, Польша, АҚШ, Дания, Швеция, Норвегия, Финляндия ва бошқа давлатларнинг делегациялари иштирок этмоқда.

Конгрессни Финляндия Республикасининг президенти У. К. Кекконен очди. Президент учрашув қатнашчилари муҳокама қилаётган проблеманинг муҳимлигини қайд қилди. Олимлар ва мутахассислар фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини автоматик бошқариш билан боғлиқ назарий ва амалий масалаларни, ҳусусан энергетика қурилмалари, ядро реакторлари, инженерлик-техника объектларини автоматик равишда контроль қилиш ва бошқариш проблемаларини кўриб чиқадилар.

Конгресс ўз ишини 16 июнга қадар давом эттиради.

● **БРЮССЕЛЬ.** Бельгиядаги Мортселе шаҳрида (Антверпен яқинида) «Агфа-Геварт» компаниясига қарашли заводнинг қарийб олти минг механигчиси забастовка эълон қилди. Улар ўзларининг иш ҳақини ошириш ва социал таъминот системасини яхшилаш ҳақидаги талабларини маъмурият қондирмаётганига қарши норозилик билдирмоқдалар.

● **БУЭНОС-АЙРЕС.** Қарийб икки минг аргентиналик темирйўлчи ишдан бўшатилди. Кейинги уч йил мобайнида давлат темир йўл компанияларидан 43 мингга яқин кишини ишдан бўшатдилар. Хусусий автомобиль фирмалари мамлакатда юк ташиш ишларини ўз қўлига олди. Минглаб километр темир йўллар йўқ қилинди.

(ТАСС, 13 июнь).

СОЦИАЛИЗМ — РЕАЛ ИНСОНПАРВАР ЖАМИЯТ

ИЛМИЙ материалистик дунёқараш ҳукмронлик қилаётган янги, социалистик жамиятнинг қарор топганлиги Октябрь революцияси ғалабасидан кейин ўтган шонли йўлнинг энг муҳим якунидир. Л. И. Брежневнинг КПСС XXV съездида қилган ҳисобот докладида айтиб ўтилганидек, «Биз янги жамият, инсоният тарихида шу дамгача мисли кўрилмаган жамият барпо қилдик. Бу жамият кризислар бўлмайдиган экономикаси муттасил ўсиб борадиган, етук социалистик муносабатларга, чинакам эркинликка эга бўлган жамиятдир. Бу жамият илмий материалистик дунёқараш ҳукмронлик қиладиган жамиятдир. Бу жамият келажакка, коммунистик порлоқ истиқболларга ишончи мустаҳкам жамиятдир. Унинг олдида яна ҳар томонлама тараққий этиш учун чексиз уфқлар очиқ».

Октябрь революцияси ғалабасининг буюк самараси сифатида юзага келган, социалистик жамият меҳнаткаш инсонни озод ва эркин бўлишининг, шахс камолоти йўлидаги буюк босқич, тарихнинг янги бир саҳифасидир. Синфий жамиятларда меҳнаткаш омма фақат синфий-сиёсий зулмнигина эмас, балки айни вақтда иқтисодий зулмнинг энг даҳшатли формаларини ҳам ўз бошидан кечирди. Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчилик мазлум оммани иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эзиш ва хонавайрон қилишнинг негизи бўлиб хизмат қилади. Демак, ана шу негизни хусусий мулкчиликни революцион асосда йўқ қилмасдан меҳнаткаш омманинг чинакам озодлиги ва ҳар томонлама ривожланиши, камол топишига эришиб бўлмас эди. Социалистик жамиятнинг буюк афзаллиги ва ютуғи шундан иборатки, у меҳнаткаш инсон озодлигининг иқтисодий асосини яратиб берди. СССР янги Конституциясида таъкидлаб ўтилганидек, «Совет ҳокимияти ғоят катта социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширди, кишини киши томонидан эксплуатация қилинишини, синфий антагонизмларни ва миллий адоватни абадий тугатди, ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкилигини, меҳнаткашлар оммаси учун чинакам демократияни барқарор қилди».

Социализм даврида меҳнаткаш инсон меҳнат қилиш ва дам олиш ҳуқуқи, текинга илм олиш ҳуқуқи, бепул медицина хизмати ва пенсия билан таъминлаш ҳуқуқига эга бўлди. Меҳнаткаш омма бундай имкониятга ҳатто қисман бўлса-да, буржуа давлатида ҳеч қачон эга бўлган эмас эди. Совет кишилари касал бўлганида ёки мажруҳ бўлиб қолганида капиталистик мамлакатларда бўлганидек, тирикчилик воситаларидан маҳрум бўлиб қолмайди.

Деҳқонлар ер ва сувсизликнинг жабр ситамларини бениҳоя кўп тортган эдилар. Ерга улар социализм даврида эришдилар. Совет ҳокимияти деҳқонларга текинга ер ва сув берди. Ишчилар синфи заводлар ва фабрикаларнинг хўжайини бўлиб қолди, деҳқонлар эса ерли бўлди. Тарихда биринчи марта табиий бойликлар, завод-фабрикалар, энг муҳим ишлаб чиқариш воситалари халқ мулки бўлиб қолди. Тарихий социал ғалабалар-эксплуатация, ишсизлик, қашшоқлик, зулм, қуллик, зўрликдан қутқариш туфайли меҳнаткаш омма жинси, келиб чиқиши, миллати, ирқига қараб камситишлардан, табақаларга бўлиш ва айрим табақаларга имтиёзлар беришдан қутилди. Ҳаётнинг асосий соҳаси-моддий ишлаб чиқаришда жамият билан шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар кескин ўзгарди. Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши заминида ҳар бир кишининг, меҳнаткаш оммаининг эркин камол топиши учун асосий шарт-шароитлар яратилди.

Социализм шундай бир жамиятки, унда моддий ва маънавий бойликларнинг ҳаммаси инсонга, инсоннинг ҳар томонлама ривожланишига, унинг бахт-саодатига тўла хизмат қилдирилади.

Социалистик жамият учун энг қимматли капитал, энг катта бойлик меҳнаткаш инсондир. Социалистик жамиятда инсоннинг ўзи ва ҳар бир кишининг ҳамма учун, жамият бахт-саодати учун соф виждон билан қиладиган ғоят самарали меҳнати ниқоятда азиздир. Инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг турмуш шароити, маданият савиясини муттасил равишда ошириб бориш—социалистик жамиятнинг олий мақсадидир. Партия ва ҳукуматимизнинг бу олий мақсади айниқса ўнинчи беш йилликда янада зўр куч билан намоён бўлмоқда. Чунки, социалистик жамиятнинг ривожланиш тарихи, — бу, аввало совет кишилари моддий ҳаёт шароитлари, социалистик турмуш тарзларининг йилдан-йилга тўхтовсиз ўсиб мустаҳкамланиб бориши, маданий савияларини, билим бойликларини ўсиб бориш тарихидан ҳам иборатдир. Совет кишилари моддий ҳаёт шароитларини янада яхшилашда социалистик жамиятимиз тараққиётининг ҳамма босқичларида катта натижаларга эришдилар.

ЎНИНЧИ беш йиллик — совет кишилари турмушининг моддий ва маданий даражасини янада юксалтириш, социалистик ижтимоий муносабатларни ва совет турмуш тарзини ривожлантиришдаги муҳим янги босқичдир. Ўнинчи беш йилликда аҳолининг реал даромади 24—28 процент ошади. Ана шу беш йилликда иш-чилар ўртача иш ҳақини 16—18 процент кўпайтириш, колхозчиларнинг жамият хўжалигидан оладиган даромадларини эса 24—27 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда. Шунингдек, аҳолига ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўлов ва имтиёзлар 28—30 процент ортади. Шу нарса қувончлиқки, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга ўнинчи беш йилликда аввалги беш йилликдагига нисбатан 6 миллиард сўм кўп жами 31 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарф қилинади.

Октябрь революцияси бошлаб берган йўл ўзбек халқи ҳаётида туб бурилиш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётда рўй берган мислсиз ютуқлардир. Ана шу ютуқларни бизнинг ҳорижий мамлакатлардаги дўстларимиз XX асрнинг мўъжизаси деб атамоқдалар. Бу мўъжиза бу йирик тарихий ўзгариш ўз-ўзидан содир бўлган эмас, албатта. Совет кишилари учун бу мўъжиза партия раҳбарлигида, меҳнаткашларнинг фидокорона ва онгли меҳнати заминида, қўлни-қўлга бериб, дўстона оилага бирлашиб, ягона мақсад йўлидан борабётган турли миллатлар ва халқларнинг дўстлиги асосида рўёбга чиққан ҳақиқатдир.

Социалистик жамиятнинг буюк афзаллиги шундан иборатки, у ўз Конституциясида буржуа Конституцияларига ўхшаб граждапларнинг билим олиш ва бошқа ҳуқуқларини фақат эълон қилибгина қолмасдан балки қонун чиқариб бу эркинликни маълум моддий воситалар билан ҳам таъминлайди. Давлатимиз халқ маорифини ривожлантириш учун жуда катта ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Шу нарса диққатга сазоворки, умумий ўрта-таълим мактабларидаги ҳар бир ўқувчи учун бир йилда сарф қилинган давлат маблағи 160 сўмни ташкил қилади. Давлатимиз техникумларда ўқиётган ҳар бир ўқувчига бир йилда 654 сўм, битта студентни ўқитиш учун эса 1000 сўмдан кўпроқ харажат қилади. Болалар боғчаларида бир боланн тарбиялаш учун тахминан 400 сўм сарфланса, шундан салкам 290 сўм, ёки 72,5 процентни ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан, қолган 110 сўм ёки 27,5 процентнигина оила бюджетидан олади. Ана шу фактнинг ўзи ҳам меҳнаткаш инсон социалистик жамиятнинг энг катта бойлиги эканлигини очиқ ва равшан кўрсатиб турибди.

Социалистик жамиятда оддий ишчи ёки деҳқон фарзандининг маълумот олиши, ўқиш олим, партия ва давлатнинг атоқли арбоби бўлиб етишиши ажабланарли ҳодиса эмас, балки табиий бир ҳолдир. Фикримизнинг исботи учун айрим бир мисолларга мурожаат қилайлик. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти Ўзбекистон филиали, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти директори, Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг мухбир аъзоси Эркин Юсуповнинг қуйидаги фикри диққатга сазоводир. «Улуғ Октябрь Социалистик революцияси шахсан менинг тақдиримда ҳам катта роль ўйнади. Бу ўринда мен бир мисолни келтирмоқчиман. Совет олимлари билан кўпгина ҳорижий мамлакатларда бўлганимда Ўзбекистонлик профессор, фан доктори, деб таништирардилар. Шундан кейин ҳамма ерда менга бир хил савол беришарди. «Сиз кимнинг фарзандисиз?»: ота-онангиз сизга қандай қилиб шунча билим бериш имконини топди?». Мен бу саволларга оддий жавоб берардим. Бизда билим олиш учун ҳаммага тенг имконият яратилган. Ҳар ким ўқиши, ўз қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириши мумкин. Мен оддий ишчининг фарзандиман. Ёшлик вақтимдаёқ отам Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган. Ёлғиз онам билан қолиб, университетни тамомладим. Аспирантурада, ўқиб, фан кандидати ва ундан кейин фан доктори бўлдим, деб жавоб бердим. Менинг жавобимга улар ишондилар, деб ўйлайсизми? Албатта йўқ! Капитализм жамиятида яшаб, бутун дунёқараши, этикоди, тушунчаси шу жамиятда шаклланган кишилар учун бу жавоб тушунарли эмас. Улар оддий ишчининг фарзанди профессор ёки фан доктори бўлишига асло ишонмайдилар. Ахир, капиталистик мамлакатларда олий ўқув юртларида таълим олиш пуллик бўлганлиги учун оддий ишчилар ва деҳқонлар ўз фарзандига олий маълумот бериш имкониятига эга эмасликларни ҳаммамизга маълум-ку». Бунга ўхшаш мисолларни истаганча келтириш мумкин.

Социалистик жамиятда бўлганидек, капиталистик ҳам оддий бир чўпоннинг, деҳқон ёки ишчининг ўғли ёки қизи олий маълумот олиши мумкинми? Бу албатта мумкин эмас. Капитал ҳукмрон бўлган мамлакатларда университетларда, колледжларда, мактабларда ўқитиш учун жуда катта пул тўплаш керак бўлади. Канадада университетга талаба бўлишни истаган ҳар бир йигит ёки қиз кириш учун 800 доллар, ўқиш ҳақи учун эса йилига 600 доллардан пул тўлашга мажбурдир. Билим олиш тўлови Америкада йилига 1500 доллардир. Расмий маълумотларга қараганда, сўнгги 20 йилда Америкадаги колледжларда ўқиш нархи уч баравар ошган. Америка конгрессининг махсус комиссияси маълумотларига кўра, моддий қийинчилик туфайли студентларнинг ярми ўқишдан воз кечмоқда. Ноилождик орқасида ўқишни ташлаб кетаётганлар миллионерларнинг фарзандлари эмас, балки, аксинча, йўқсиллар, бева-бечоралар, камбағал кишиларнинг ўғил-қизларидир. Буржуа давлатларида ўқитиш: олий мактаб — аҳолининг «юқори қатламлари», «аслзодалар учун», бошланғич мактаб эса «авом халқ» учун, деган принципига қурилгандир. Олий маълумотнинг нархи шу қадар баландки, — деб ёзади бу ҳақда америкалик публицист Жорж Моррис, — ҳатто «ўрта синфдан» бўлган кўпгина оилалар тўрт йиллик ўқиш давомида ўғиллари ёки қизлари учун ҳар йили уч минг долларгача пул тўлайдилар.

Яқинда Японияда чиқадиган «Иомиури» газетаси ёшлар етарлик маблағга эга бўлмаганликлари учун олий маълумот олиш имкониятидан маҳрумлиги билан боғлиқ бўлган қуйидаги фожиани ҳикоя қилиб берди. Ҳиросаки шаҳрида яшовчи ўн тўққиз ёшли Сазко Ками қийин имтиҳонларни топшириб, ниҳоят Саппоро шаҳар университетитега ўқишга кирди, унинг оиласи имтиҳонларни топшириш учун 750 минг иена тўлади. Бу қиз фармацевт бўлишни кўпдан орзу қилар эди. Бироқ Сазконинг қувончи узоққа бормади. Имтиҳонлардан кейин кўп ўтмай, у билдириш хати олди. Унда университет маъмурияти қизни университетга қабул қилинганлиги билан табриклаб, айни вақтда биринчи ўқиш йили учун яна 2 миллион иена тўлаш кераклигини билдирган эди. Сазко оиласи шунча пулни тўлашга қодир эмас эди. Қиз ўқиш ҳақидаги фикридан воз кечишга мажбур бўлди ва ўз-ўзини ўлдирди. Ана шу фактнинг ўзи ғарбда зўр бериб кўкларга кўтарилаётган «Эркин дунё» — капитализмнинг башарасини кўрсатиб турибди. Оқни-қора, қорани эса оқ қилиб тасвирлашда буржуа идеологлари ҳеч нарсадан тап тортмаётирлар. Улар оммани маънавий қулликда тутишга интилиб капиталистик тузумнинг тарзини кўкларга кўтармоқдалар, капитализмни гўё салкам жаннатдай қилиб тасвирламоқдалар. Капитализм аслида буржуа идеологлари мадҳ этаётганларидек, жаннат, ҳузур-ҳаловат қониси? Йўқ, ундай эмас!! Капиталистик мамлакатларда меҳнаткаш омма очлик, касаллик, ишсизлик, билимсизлик исканжасида сиқилиб ётибди-ки, бундан кўз юмиб бўлмайди.

Инсон ўзининг ҳақиқий бахти, ҳак-ҳуқуқи, сиёсий ва иқтисодий эркинлигини социалистик жамиятдан топди. Бу шундай бир жамиятки, меҳнат аҳлининг эртанги кунига, фарзандларининг бахтиёр келажагига қаттиқ умид бахш этади. КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорида айтилганидек **«Социализм реал инсонпарварлик жамиятидир»**. Меҳнаткаш инсон унинг энг қимматли бойлигидир. Ҳамма нарса инсоннинг бахт-саодати учун, инсоннинг фароғати учун —янги, социалистик турмуш тарзининг энг чуқур маъноси ана шундай!

Зоҳир ҒОФУРОВ,
Эркин ЮНУСОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг доцентлари, фалсафа, фанларн кандидатлари.



● **ВЬЕТНАМ.** Ҳозирги кунларда Вьетнам Социалистик республикаси ўз маҳсулотларини жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилмоқда. Суратда: Лаокай шаҳридаги консерва фабрикасида маҳсулотлар жўнатишга тайёрланмоқда.

ВИА—ТАСС фотоси.

Ж. КАРТЕРНИНГ ОЛИБ БОРАЁТГАН СИЁСАТИ АҚШДА ТАНҚИД ҚИЛИНМОҚДА

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Вакиллар палатасининг халқаро муносабатлар комиссияси аъзоларидан 14 киши АҚШ президенти Ж. Картерга мактуб юбордилар. Улар шу мактубда Қўшма Штатларнинг Совет Иттифоқига нисбатан олиб бораётган сиёсатида «очиқдан-очиқ ўзгариш» рўй берганлигидан ташвишланганликларини билдирдилар ва «ҳукуматдаги низолар натижасида келиб чиққан чалкашликни ҳал этиб, уларнинг шубҳаларини бартараф этишни» ундан илтимос қилдилар.

Конгресс аъзолари З. Бжезинскийнинг яқинда берган баёноти айниқса ҳаяжонга солаётганлигини билдирдилар. «Биз унинг Совет Иттифоқига нисбатан муносабатларда кескин позиция тутганлигининг маъносига ва мақсадига тушунмадик, шунингдек биз боқеаларнинг шундай ўзгариб кетишига нималар сабаб бўлганлигини ҳам билмаймиз», — деб айтилади бу мактубда.

Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги музокараларда ва Совет Иттифоқи билан муносабатларнинг бошқа соҳаларида АҚШ бу музокараларни унга алоқадор бўлмаган масалаларга боғлиқ қилиб қўйиш эҳтимоли борлиги ҳам конгресс аъзоларини ташвишга солиб қўйди. Комиссия Африкадаги воқеалар Совет — Америка муносабатларига ҳалокатли таъсир қилиши АҚШнинг миллий хавфсизлиги манфаатларига мос келадими, йўқми эканлигидан ҳам ташвишланмоқда.

Конгресс аъзолари «Бизнинг баъзи энг муҳим ташқи сиёсат соҳасида олиб бораётган сиёсатимиз ҳақида тушунмовчиликлар ва шубҳаланишлар бор», дейишиб, бу аҳвол уларга ҳукуматнинг ҳаракатини самарали тарзда қўллаб-қувватлаш вазифасини бажариш учун қийинчилик тўдиришини уқтириб ўтдилар. «Чунки ҳозир кўпгина конгресс аъзолари ўз сайловчиларининг Совет—Америка муносабатлари ва Африка каби соҳаларда Қўшма Штатлар қандай сиёсат олиб бораётганлиги тўғрисидаги саволларига жавоб беришдан ожиз бўлиб ноқулай аҳволга тушиб қолдилар», — дейилади мактубда.

«Нью-Йорк таймс» газетаси Ж. Картернинг Аннаполисда сўзлаган нутқини «у президентлик қила бошлаган пайтдан бери бўлиб ўтган энг галати воқеа» деб атади. Газета стратегик қуролларни чеклаш тўғрисида Совет—Америка битимини тузиш зарур эканлигини таъкидлаб, қуйидагиларни ёзади: нима учун маъмурият Заирдаги боқеаларни гарчи бошқа йўллар билан бўлса ҳам стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги музокаралар билан боғлиқ қилиб қўйишга уринишни кераклиги сирли савол бўлиб қолмоқда. Жаҳонда бирон-бир ҳам жиддий проблема мана шу собиқ мустамлака регионидаги воқеага боғлиқ бўлиши мумкин эмас. Стратегик қурол-яроғларни чеклашдан кўра муҳимроқ иш йўқ.

«Президентлар ва уларнинг ёрдамчилари чуқур ўйлаб гапиришлари лозим. Улар шовқин-сурон кўтаришни қонунлаштиришга йўл бермасликлари лозим», —деган хулосани чиқаради газета.

ЧИГИРТКА ЁПИРИЛМОҚДА

ДОРУС-САЛОМ, 13 июнь. (ТАСС). Сомали, Эфиопия ва Кениянинг бир қанча районларига чигиртка тўдалари ёпирилгандан кейин юзлаб квадрат километр ерлар қуп-қуруқ бўлиб қолди. Ҳозир Сомали билан Эфиопия территориясида чигирткаинг камида 60 та тўдаси бор.

Қизил денгиз ва Адан кўрфази соҳилларида чигиртка кўпаядиган жойларда яқинда ўтган кучли ёмғирлардан кейин ҳашаротлар шу қадар кўпайиб, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрибди. Йил охирига қадар амалий чоралар кўрилмаса, муссон шамоллар ҳашаротларнинг янги тўдаларини жанубга учириб кетиб, миллион-миллион африкаликларни очликка маҳкум этади.

Шарқий Африкада саҳро чигирткасини назорат қилувчи ташкилотнинг раиси, Танзаний қишлоқ хўжалиги министри Жон Малесела бу ерда қайд этиб ўтганидек, бир қанча қўшни мамлакатларга, шу жумладан Танзания учун ҳам бевосита офат хавфи туғилди.

У Эфиопияга бориб келганидан кейин бундай деди: аҳвол шу қадар жиддийки, бизнинг ташкилотимиз халқаро мадад берилмаса ҳашаротларнинг тарқалиш манбаларини тугатишга қодир эмас.

РЕВОЛЮЦИЯДАН ВОЗ КЕЧИШ НАЗАРИЯСИ

АТА агентлигининг хабар беришича, Албания Меҳнат партияси марказий комитети сиёсий бюросининг аъзоси, марказий комитет секретари Р. Алия Тиранада ўтказилган митингда нутқ сўзлаб, Хитойнинг «Уч дунё» назариясини қаттиқ танқид қилган.


«Уч дунё» назарияси деб аталмиш назария, деган у, марксизм-ленинизмни оппортунизм билан алмаштиришни мақсад қилиб қўяди. Бу назария пролетарлар ва халқларни буржуазия ва империализм билан, реакция, ўтакетган фашистлар билан, иблиснинг ўзи билан бирлаштиришни тарғиб қилади ва буни миллий мустақилликни ҳимоя қилиш билан оқламоқчи бўлади. «Уч дунё» назарияси халқларнинг революцион руҳини бўшаштиришни мақсад қилиб қўяди, уларни Америка ҳукмронлигига, собиқ мустамлакачиларнинг зулми ва эксплуатациясига қарши курашдан воз кечишга даъват қилади.

«Уч дунё» сохта назарияси, деб ўқтирган Р. Алия,— марксизм ва революцияга қарши назариядир. Бу сохта назария революциядан воз кечишни тарғиб этиб, халқларни жаҳон уруши йўлига бошлайди. Бу назарияни халқларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилувчи назария деб кўрсатишга уринишмоқда. Ҳолбуки, амалда у душманлар тегирмонига сув қўяди. «Уч дунё» назарияси халқларнинг озодлик, миллий мустақиллик учун курашини революциянинг ажралмас ва бўлинмас қисми деб ҳисобламайди. Бу назариянинг ижодкорлари ундан ўзларини прагматик ва коньюнктурявий мақсадларида фойдаланиш мумкин, деб ўйлайдилар. Бундай концепция озодлик курашига наф келтирмай, империализм вужудга келтирган барча адолатсизликларнинг сақланиб қолишига ёрдам беради. Бу назария революциянинг эмас, балки халқларнинг мустақиллик ишига ҳам путур етказади.

«Уч дунё» назарияси Пентагон ва НАТО, вермахт генераллари ва Мобуту умумий қураш фронтида қатнашчилар деб тавсия қилади, деган Р. Алия.

Р. Алиянинг нутқида Албания пропагандасига хос советларга қарши хуружлар ҳам бўлган.

(ТАСС, 13 июнь).



● **ГЕРМАНИЯ** Демократик Республикасининг Дрезден шаҳрида немис ва совет мутахассислари уйсозлик комбинатини қуришмоқда. Бу комбинат шу йилнинг охирида фойдаланишга топширилади.

АДН—ТАСС фотоси.

КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ВАЗИФА

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистоннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан тузилган махсус ҳукумат комиссияси Ҳиндистоннинг Ганг, Дамодар ва Перияр дарёлари дунёдаги энг ифлосланган дарёлар деган хулосага келди.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш жиддий проблема бўлиб қолди, деб ёзади Бомбайда чиқадиган «Экономик таймс» газетаси. 5 миллион аҳоли яшайдиган Деҳли ҳар куни Жамнага 200 миллион литр ювинди сув ташлайди. Бомбай яқинидаги Чембур шаҳри Жанубий Осиёда ҳавосида газ энг кўп тўпланган жой ҳисобланади. Бу ерда нефтни қайта ишловчи корхоналар, уғит ишлаб чиқарувчи заводлар ва бошқа катта-катта саноат комплекслари бор. Лекин уларнинг кўпчилигида тозалаш установкалари ишламайди. Катта Бомбайнинг саноат корхоналари ҳам муҳитга озмунча хафв-хатар тўдираётгани йўқ. Бу ерда Калькутта, Каппур ва бошқа катта-катта ҳинд шаҳарларида Ҳиндистон ҳимоя корхоналарининг ярми жойлашган.

МУҲИМ ПРОБЛЕМАЛАР

ГАВАНА, 13 июнь. (ТАСС). Бу ерда социалистик мамлакатлар ЮНЕСКО ишлари миллий комиссияларининг XVI координацион кенгаши очилди. Кенгаш ишида Белоруссия ССР, Болгария, Вьетнам, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Руминия, СССР, Украина ССР делегациялари иштироқ этмоқдалар, шунингдек Ангола, Лаос ва Мозамбик делегациялари кузатувчилар сифатида қатнашмоқдалар.

Ирқчилликка ва ирқий хуружларга қарши қураш проблемалари, тинчликни, халқаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида, урушни, ирқчиликни ва апартеидни пропаганда қилишга қарши курашда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш масалалари кенгаш кун тартибига қўйилган.

Куба ташқи ишлар министрининг ўринбосари Хосе Р. Виера кенгашни оча туриб, кенгашнинг империализм социалистик мамлакатларга қарши, айниқса Совет Иттифоқига ва Кубага қарши туҳмат кампаниясини кучайтираётган бир пайтда ўтказилаётганлиги муҳим эканлигини таъкидлаб ўтди. Тинчлик, социал тенглик ва адолат учун, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка, ирқчиликка қарши, янги одилона халқаро иқтисодий тартиб ўрнатилиши учун курашда ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарур.





● СУРАТЛАРДА: Бўка район марказий болалар касалхонасининг лаборанти Гулсара Каримова ва врач Насиба Йўлдошева қонни микроскоп ёрдамида анализ қилишяпти.

Врач Ирина Горбунова, бош врач Ваққос Сайдиев ва врач Насиба Йўлдошева беморнинг рентген суратини кўздан кечиришяпти.

И. Зайнитдинов фотолари.

РУЛДА 31 ЙИЛ

Усубали Ниёзов 31 йилдирки машина бошқаради, қўллари рулда, кўзлари йўлда. У босиб ўтган йўл ер шарига бир неча бор белбоғ бўлишга етади. Ташиган юклари юзларча минг тоннани ташкил этади.

Моҳир шофер ҳамон ўзининг шу касбини ардоқлаб келяпти. Бутун иши давомида бирорта ҳам кўнгилсиз ҳодиса ёки авариянга йўл қўйгани йўқ. Ҳозирги вақтда бошқараётган «ГАЗ—51» автомашинаси ҳамиша ишга шай туради. Меҳнатда, зиммасидаги вазифани бажаришда касбдошларига ўрнак. Иш кўрсаткичлари нормадагига нисбатан 150 процент ва ундан ортиқроқни ташкил этади.

Оҳангарон районидаги 7-автобазанинг бу тажрибали шофери мураббийлик ҳаракатида ҳам фаол қатнашмоқда. Ўз касбини сир-асрорларини ўнлаб ёшларга бажонидил ўргатмоқда. Шогирдларидан А. Аҳмаджонов, Э. Абдураҳмонов ва бошқалар ўз устозлари билан бир сафда фидокорона меҳнат қилишяпти.

А. МАҲКАМОВ, К. ЕГОРОВ.

ХУШХАБАРЧИ

ДУЛАВОЙ ака Эшонқулов 22 йилдан бери Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг иккинчи участкасида почтальонлик қилади. Участкадаги 200 дан ортиқ хонадон газета ва журналлар, хатлар, нафақа ва пенсия пулларини вақтида етказиб бераётган моҳир алоқа ходимидан беҳад хурсанд.

Г. ИСОҚОВА.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

бўёқчилар, бўёқчи-альфрейщчиклар, сувоқчилар, қурувчи дурадгорлар, электромонтажчилар, саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарлар, электрпайвандчилар, ғишт терувчи-монтажчилар, дурадгор-паркетчилар.

Ўқиш муддати — 1, 2, 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақи билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН ТУГАТГАНЛАР ЎРТА ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЗОЛИ ШАРТЛАР БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиғи ҳақида справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.), турар жойидан справка, мактабдан характеристика, автобиография.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН БОШЛАБ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: 700081, Тошкент шаҳар-81, Домбробод кўчаси, 74-уй (54, 33, 50, 84, 70, 34, 103, 80-автобусларнинг «16 поликлиника», 16-троллейбусининг «Домбробод» бекатлари). Телефон: 77-49-53.

ГОСКОМТРУД Узбекская ССР

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг
1-ТОШКЕНТ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИГА
бетончилар, сувоқчилар, бўёқчилар, газ-электр пайвандчилар, монтажчилар, дурадгорлар, паркетчилар, тунука қоқувчилар, ойна солувчилар
КЕРАК
Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА ТАШКИЛОТЛАРИГА
кондукторлар, 1 ва 2-класс ҳайдовчилари,
КЕРАК
Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАЛАРИГА
электр пайвандчилар, электромонтёрлар, шоферлар, дурадгорлар, ғишт терувчилар, арматурачилар, қозон қурилмаларини, технологик-ускуналарини монтаж қилиш бўйича монтажчи-слесарлар
КЕРАК
Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, Зподьезд, 5-хона — Ишга жойлаштириш бўйича Марказий ва район пунктлари.

ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР ОТАЛИҚ ҚИЛИШМОҚДА

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида бешта дала шийпони ишга туширилди. Бу шийпонларда дам олиш хонаси, қироатхона, ошхона, емакхона бор. Дала шийпонларини хўжаликнинг оталиқ ташкилотлари — Янгийўл шаҳридаги 2503-автомобиль базаси, саккизинчи ғишт заводи бошқармаси, «Лаззат» кондитерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Мебель» фабрикаси коллективлари қуриб берди. Шаҳардаги қўшгина саноат корхоналари қишлоқ меҳнат аҳдига астойдил кўмаклашмоқда. Жданов номли, Калинин номли, «Партия XXI съезди», «Коммунизм» колхозларида шаҳарликларнинг кўмаги билан озуқа цехлари ремонт қилинди, қишлоқ хўжалик техникаси ремонт қилинаётир.

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи янги моделда эркаклар костюмларини тикиб чиқаришни ўзлаштирди. Давлат аттестация комиссияси бу моделга Сифат белгиси берди.

Ҳозир бирлашманинг олтин хил маҳсулоти фахрли эмблема билан чиқарилмоқда. Шу йил тикувчилар Сифат белгиси қўйилган 2 миллион сўмликдан зиёда маҳсулотни магазинларга юбордилар.

(ЎзТАГ).

ГАЗЕТХОН МУЛОҲАЗАСИ

УРФИМИЗ ГЎЗАЛ БЎЛСИН

Мен бир газетхон сифатида мунтазам равишда матбуот саҳифаларида берилаётган «Тўйлар ҳақида ўйлар», «Янгича анъаналар — ҳаётимиз кўрки», «Тўйларни янгича ўтказайлик», «Тўйларимиз замонамиздек гўзал бўлсин» каби рубрикалар остида бериладиган мақолаларни ўқиб бораман. Эскича урф-одатларга нисбатан янгича анъаналарнинг ҳамма томондан афзаллиги ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Кўпчилик жойларда исрофгарчиликларнинг олдини олиш, тўйларни чиройли ўтказишга имкон яратилмоқда.

Акмал Икромов районидаги қатор маҳаллалар, Октябрь районидаги «Илғор», Собир Раҳимов районидаги «Октябрь 40 йиллиги», «Янги шаҳар» маҳаллаларининг тўйларни ўтказиш борасидаги тажрибаларини қўллаб-қувватлаш керак. Бу маҳаллаларда турли маросимларни ўтказиш учун 9—10 кишидан иборат тўй ёки маросимларни ўтказиш комиссиялари тузилган. Ўтадиган маросимлар шуларнинг маслаҳати ва иштирокида амалга оширилади. Масалан, «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласида бирор маросим ўтказмоқчи бўлган киши бир-икки ой илгари тўй комиссиясига ёздириб қўяди. Маросимни ўтказишдан 3—4 кун аввал ҳамма масалалар келишиб олинади.

Юқоридаги маҳаллаларда фарзанд тўйи қилишда, қиз чиқариш, ўғил уйлантиришда атроф маҳаллаларга хат ёзишлар тўхтатилган. Никоҳ тўйларида кечаси одамларнинг тинчлигини бузмаслик учун микрофон қўйилмайди, тўй узоғи билан ўн бирдан уёқка ўтмайди, ичкилик тортилмайди, тўғри мактаб ёшидаги болалар қатнаштирилмайди, исрофгарчилик, ортиқча дабдабаларга йўл қўйилмайди. Бу маҳаллаларда тўй кунлари ҳам ихчамлашган. Масалан: қиз чиқарувчиникига соат иккида тўй келади, кечқурун никоҳ бўлади; ўғил уйлантирувчи соат иккида тўй юборади, кечқурун никоҳ. Шунда тўй икки кунда эмас бир кунда ўтади. Тўй деганда кўз ўнгимизда ўйин-кулги, икки ёшнинг турмуш қуриши, улар учун катта-кичикларнинг яхши тилаклар тилаши ҳаммани қувонтиради. Ҳамма ҳам тўй кўрсам деб орзу қилади. Тўй халқ тили билан айтганда маслаҳат билан бўлади. Аммо мен бу ерда иккинчи бир масала ҳақида гапирмоқчи эдим.

...Кимдир вафот этди, уни олиб бориб шу куни дафн этдик. Шу кундан бошлаб йигирмасигача ҳар ҳафтанинг пайшанба, якшанба куни 30—40 кишини чақириб «хадм» қилиш, бунда бир-икки ҳил овқат-мастава, ош ёки манти тортиш одат бўлиб қолди. Тўрт-беш маротабадан сўнг 40—50 килограмм гуруч дамланиб эрта билан йигирмаси ўтказилади. Ундан сўнг қирқингача ҳар ҳафтанинг якшанба куни 30—40 кишини яна чақириб қўюқ-суюқ қилиш, ундан сўнг яна 20—30 килограмм гуруч дамлаб қирқ қилиш одат тусига кириб кетди. Энг охири унинг йилини ўтказиш учун яна камида 40—50 килограмм гуручдан ош дамлаб маҳалла, қариндош — уруғларга ош берилади.

Айтайлик кўпчилик шу маросимларни ўз кўнглидагидек ўтказаяпти. Айрим оилалар эса бундай «хотам-тойларининг ишларини кўриб қийналаяпти.

Шу урф-одатларнинг бидъат эканлигини била туриб уларга амал қилиш шартмикан? Бордию шарт бўлса нима учун 30—40 кишини ўргига 4—5 кишини чақириб марҳумни эслаш, 40—50 килограмм гуручдан ош дамлаб, унинг вафотини қариндош уруғлар, яқин қўшнилар билан нишонлаш мумкин эмас?

Бир танишимнинг вафот этганига икки йил бўлди. Ҳамма маросимлари ўтиб бўлган эди. Отаси вафот қилган вақтда болалари ёш бўлган. Йигирмаси ва йилини ўтказишда ўртоқлари ёрдамлашган экан. Ҳамон қарзи бор эмиш. Йигит ўртоқларини кўрганда эзилмайди дейсизми.

Яқинда «Чиғатой» кўчасида истиқомат қилувчи олтмиш беш ёшли бир танишимиз вафот этди, дафн этишда қатнашдим, одам кўп бўлди. Лекин ҳафталик маросимларида қатнашолмадим.

Ўртоқлар билан йигирмасига эрта билан бордик. Марҳумнинг тўрт ўғил, икки қизи бор экан. Фарзандларининг ҳаммаси ҳам ўқимишли, ишчи, маош билан кун кечирувчи, аммо ўзига тузук кишилар экан. Эшикдан кириб бордигу, тайёрланган жой, дастурхоннинг турли ноз-неъматлар билан безатилганини кўриб, ҳайрон қолдик. Агар эшикда қатор чопон кийиб бел боғлаб турганларни ҳисобга олмасангиз дастурхон ном чиқаришга қилинган тўйдан ҳам ошириб юборилибди. Биз бундай ҳолатни фақат бу ерда эмас баъзан бошқа маҳаллалардаги йигирма, йил ошларда ҳам учратдик. Нима учун киши ҳаётида бир марта бўладиган тўйларни ихчам, исрофгарчиликсиз ўтишига эътибор бераминг-у, бундай маросимларга эътибор бермаймиз?

Ахир айрим тўйдаги ортиқча ҳаражатларни «тўй-да» десангиз, ўлим маросимидаги бундай «саҳийликни» қандай баҳолаш мумкин. Ахир вафот этган кишининг балоғатга етмаган болалари ҳам бўлиши мумкин-ку. Айрим енгил-елпи йўл билан пул топувчи шахсларнинг тўй ёки шу каби маросимларда ман-манлик қилиб, ўзини кўрсатиб, ман сандан қоламанми қабилида иш тутишига мутлақо қўшилмаймиз. Бу билан кимки ўзини эл-юртга танитмоқчи бўлса у янглишади.

Кимки мард бўлса илм-фанни эгаллашда, завод, фабрикада, ишлаб чиқаришда илғор ишчи бўлиб эл-юртга ўзини танитсин, мардлигини ишда кўрсатсин. Биз унга тан берамиз. Ҳар ким ҳам ота-онасини ҳурмат қилади, чунки унинг дунёга келишида бирдан-бир сабабчи шу. Улуғ зот ота ва онадир. Ота-онанинг айтганини бажариш фарзанд учун қонун. Уларни эъзозлаш керак, дилини оғритмаслик лозим, ҳурматини ўрнига қўйиш, кундалик қарз бўлган саломини бериш, ишдан олдин улар билан ўтириб чой ичиш, кечқурун ишдан келгандан сўнг бирга ўтириб овқатланиш ҳам фарзандининг вазифаси. Шундай қилгандагина уларнинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Буларнинг ҳаммасини ота-она тириклигида қилиш керак. Вафот этгандан кейинги қилинган ҳамма дабдаба, ортиқча исрофгарчиликлар «йўлига» элга ўзини кўрсатиш, сохта обрў орттириш учун қилинган ҳаракатлардир.

Айрим кишилар борки ота-оналарининг вафотидан кейин нимаики қилиш лозим бўлса ҳаммасини қиладилар, минг афсуски бир йилда бир бориб қабридан хабар олмайдилар. Еки ёдгорлик, панжара қўйган бўлсалар менинг ишим тугади деб, унинг атрофини тозалаб туриш, панжарани йилда бир бўяб қўйишни ҳам унутадилар.

Вафотидан сўнг қабри атрофини тозалаб, гуллар ўтказиб, кичик бир ёдгорлик қўйиб, вақти-вақти билан гуллардан хабар олиб туриш фарзандининг ўз ота-онасига бўлган чексиз меҳридан далолат беради.

Ота-она ҳақида гап борганда Олег Кошевой ўзининг онаси ҳақидаги эсдаликларида ёшларга мурожаат қилиб шундай дейди: Орқа-ўнгига назар ташла йигитча, дўстим, мен сингари назар ташла-да, умрингда онангдан ҳам кўпроқ кишини хафа қилганингни айт. Оналаримизнинг сочига оқ тушиши менинг, сенинг, бизнинг камчилигимиз, хатоимиз, бизнинг ғамимиз туфайли эмасми? Онанг қабрида бўлган пайтда буларнинг барчаси учун юрагингни ўртайдиган соат ахир етиб келади. Ойи! Ойижон!.. мени кечир, чунки сен, фақат сенгина кечиришинг мумкин!... дея хитоб қиласан».

Шундай экан ҳар ким ҳурмат-иззатни ота-она ҳаётлик вақтида қилса муродига етади.

Ф., НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.



Кабутарлар рақси. А. Абалян фотоэтюди.

ЯНГИ БАЛЕТ ПРЕМЬЕРАСИ

А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театри Андрей Петров музикаси асосида қўйилган «Оламнинг яратилиши» балети премьерасини кўрсатди. РСФСРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофотининг лауреати Наталья Касаткина ва СССР Давлат мукофотининг лауреати Владимир Васильевлар балет либреттосини ёзган ва уни саҳналаштирган.

Француз рассоми. «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти лауреати Жан Эффелнинг ҳаммага машҳур «Оламнинг яратилиши» расмлар туркумидаги қаҳрамонлар бамисоли саҳнада жонлангандек бўлади. Спектакль айнан шу суратлар туркуми мотивлари асосида яратилган.

Республикада хизмат кўрсатган артистлар ва театрнинг ижодкор ёшлари янги спектаклда қатнашмоқдалар.

(ЎзТАГ).

МУҲАММАД АЛИ ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНИ

Тошкент аэропорти. Улкан самолочини залвар билан ерга қўндирда, яна бир дам шиддат билан елиб бориб, сўнг аста тўхтади. Трапда бир неча киши пайдо бўлди. Ҳамманинг нигоҳи баланд бўйли, қорачадан келган барваста йигитда. Уни гуллар билан кутиб олишди. У гулларни жуда севади, ҳаёт хавсонсиз гулдек абадий очилиб туришини, ундан фақат муаттар ҳид таралишини истайди. Унинг тани қора, лекин қалби ўзбек пахтасидек оппоқ, муштлари зўр, аммо ҳали бирон бегуноҳ кишини чертмаган.

Муҳаммад Али — унинг номини одамлар худди эртакларидаги қаҳрамон каби эъзозлаб ёдга олишади. У буюк спортчи, ажойиб инсон, озодлик, тинчлик курашчиси, ғамхўр оила бошлиғи.

Муҳаммад Али (Кассиус Клей) 1960 йили Рим олимпиадасининг олтин медалини олишга муяссар бўлди. Ун саккиз ёшидаёқ буюк боксчи деб аталди. Ажойиб маҳорати билан мутахассисларни лол қолдирди. Профессионал боксга ўтгач жаҳон чемпиони Сонни Листон билан рингга чиқди. Сонни шу қадар бақувват эдики, қанча рақибларини яққол устунлик билан енгарди. Ўша пайтда «Листон кучдан қолмагунча уни енгиб бўлмайди», деган нақл юрарди. Муҳаммад Али чемпион билан учрашувда шу қадар санъаткорона маҳорат кўрсатдики, жаҳон чемпиони бирон марта росмана зарба бера олмади.

1964 йил. Муҳаммад Али Террел билан «жанг» қиладиган бўлди.

Ўша пайтга келиб бу боксчининг ҳам спорт формаси жуда етилган бўлиб, уни ҳам Алидан кам кўришмасди. Баҳс шундай қизиб кетдики, чеки бўлмади. Ниҳоят мухлислар орзиқиб кутган ўша кун келди. Аммо Террелни бу қадар осонликча ютқазади, деб ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Газеталар шундай деб ёзишди: «Террел гўёки Али билан эмас, ўз сояси билан олишди. Рақибига ета олмади. Терреленинг бўйи Кассиус Клейдан бир бош баланд бўлса-да, маҳоратда бир бош паст экан». Шундан кейин Муҳаммад Али яна бирин-кетин кучли даъвогарларни таслим этаверди.

1966 йил. АҚШ маъмурлари, уни Вьетнамга урушга йўллашмоқчи бўлди. Аммо у бегуноҳ қон тўкишдан воз кечди. Шунда унга рингга чиқиш ман этилди, жаҳон чемпиони деган номдан маҳрум этилди. Лекин у букилмас иродасини кўрсатди. Урушга боришдан воз кечди. Ниҳоят бу иш судга оширилди. Хъюстондаги суд жараёнида у бегуноҳ қон тўкишга ҳеч қачон бормаслигини, бу уруш Америкадаги 22 миллионлик негр учун яхшилик келтирмаслигини сўзлади.

Муҳаммад Али беш йиллик дарбадарликдан сўнг яна рингга чиқа олди. Али дастлаб кучли даъвогарлардан Жо Кворри билан «жанг» қиладиган бўлганда ўша пайтда жаҳон чемпиони Жо Фрезер бундай деган эди: «Али шунча танаффусдан сўнг ўзига жуда кам тайёргарлик кўрганлиги, ёш рақибнинг кучини ҳисобга олмаслик оқибати шундай тугади. Бу йил улар тузилган контракт бўйича матч-реванш ўтказишади.

Муҳаммад Али ҳаётида илгари ҳам бундай воқеалар юз берган. Аммо у қайта учрашувларда яна ғолиб келган. Хуллас, 1964 йилдан бери ҳали уни қайта учрашувда ютган боксчи йўқ.

Муҳаммад Али пойтахтимизда меҳмон бўлиб турибди. У корхоналарда, хўжаликларда, бўлиш истагини билдиряпти. Шунингдек, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, амалий санъат музейи, Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасида, «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятининг пойтахтимиздаги залида, «Юбилей» марказий спорт залида бўлиши кутилмоқда. У Самарқанд шаҳрининг ҳам меҳмони бўлади.

Б. ПЎЛАТОВ.

(Газетамизнинг навбатдаги сони 17 июнда чиқади).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Асил йигитлар. 10.40 — Яна Анискин (бадиий фильм, 1-серия). 11.45— П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс, 1-тур. 15.30 — Ҳужжатли фильм. 16.40 — Музей ва кўргазма залларидан бўйлаб. 17.05 — Шахмат мактаби. 17.35 — Қиличбозлик бўйича СССР чемпионати. 18.05 — Концерт. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Киножурнал. 18.55 — Байкал-Амур магистрали қурувчилари ҳақида. 19.40 — Концерт. 20.20 — Яна Анискин (бадиий фильм, 2-серия). 21.30 — Вақт. 22.00 — Санъат усталари. 23.10 — Концерт. 00.10 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.00 — «Малишок» программаси. 11.30 — Разведначилар (бадиий фильм). 12.45 — Менинг авлодим. Телеспектакль. 2-қисм. 18.00 — Мультфильм. 18.15 — Касбим-фахрим. 18.45 — Халқ контроли экрани. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Кино оламида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Шодлик» ансамблининг концерти. 21.30 — Вақт. 22.00 — «Чорвадор» программаси. 22.15 — Санников ери (бадиий фильм). 23.45 — Самбо курашиги бўйича СССР шахсий чемпионати.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Физика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Реклама. 20.30 — Ичкиликбозликка қарши ўт очамиз. 21.00 — Концерт. 21.25 — Математика.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/VI да **Оламнинг яратилиши**, 16/VI да **Аида**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/VI да **Келинлар қўзғолони**, 16/VI да **Уйланиш**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗЫКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/VI да **Олифта**, 16/VI да **Гулбаҳор қани?**

Кино

ҚИШҚИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 16, 17.30, 19, 20.30, 21.45).

Гайдуклар шарафи — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Дарвиш Паришни портлатади — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Алиса энди бу ерда яшамайди — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Тақдир — «ЮЖНАЯ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45, 22.20).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

16—25 ИЮНЬ КУНЛАРИ

«ЛИЛИПУТЛАР РЕВЮСИ»НИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16 ва 19.30 да, якшанба кунлари 12.30, 16 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 12984. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг, Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д—2427.